

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.1

ЎРОҚОВ ИЛХОМ МУРОДОВИЧ

**ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ**

Мутахассислик: 5A230601-«Давлат молиясини бошқариш»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
доц. Алимардонов Э.**

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Халқаро молия тизими ва унинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни.....	9
1.2. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти.....	17
1.3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтириш услублари.....	23
I боб бўйича хулоса.....	31
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ.....	33
2.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг устувор йўналишлари.....	33
2.2. Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимиغا интеграциялашуви даражасининг асосий кўрсаткичлари таҳлили.....	41
2.3. Ўзбекистоннинг халқаро валюта-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион бирлашмалардаги фаолияти.....	54
II боб бўйича хулоса.....	70
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	72
3.1. Ўзбекистонда халқаро молия операцияларини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар.	72
3.2. Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимиغا интеграциялашувининг истикболлари.....	84
III боб бўйича хулоса.....	92
ХУЛОСА.....	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	99

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки мамлакатимиз истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ ташқи иқтисодий сиёсат борасидаги ислохотларини жадал ривожлантиришни самарали йўлга қўйишга киришди ва шундан келиб чиқиб ушбу борадаги меъёрий ҳукуқий баъзани яратди. Глобаллашув шароитида мамлакатларнинг ўзаро турли соҳаларда интеграциялашуви жараёни жадал кечади ва у республикалар тараққиёти омили бўлиб хизмат қилади. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади. Ушбу жараёнга эса мамлакатларнинг ўзаро интеграциялашуви асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув мамлакатимизга хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди, чунки олиб қарайдиган бўлсак ташқи иқтисодий фаоллик мамлакатни инвестицион жозибадорлигини оширади.

Дунёда глобаллашув жараёнлари шударажада жадал кечмоқдаки, баъзи мамлакатларнинг ўзаро зиддиятлари мавжудлигига қарамасдан айрим ҳолларда уларнинг биргаликда ҳамкорликда ишлашга мажбур қилмоқда, акс ҳолда жаҳон цивилизациясидан орта қолиш каби ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги шароитда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига таъсир кўрсатади. Уларни ҳисобга олиш ҳар бир давлатнинг самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритишининг зарур шартига айланиб қолди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов ташқи иқтисодий алоқалар муаммосига диққат-эътиборни қаратиб қуйидагича таъкидлаган эди: «Шу нарсани қайта-қайта такрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан

интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб...банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин».¹

Айни вақтда дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг маълум босқичлари давом этаётган бир шароитда, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши билан хўжалик юритишнинг муҳим таркибий қисми бўлган халқаро молия муносабатларининг аҳамияти янада ортмоқда. Халқаро молия муносабатларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу муносабатлар ўзида миллий ва жаҳон хўжалиги муаммоларини мужассамлаштиради. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва байналмилаллашуви натижасида товарлар, хизматлар ва айниқса капитал оқимларининг халқаро даражадаги айланмаси кенгаймоқда. Бу ҳолат, жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида юзага чиқадиган — халқаро молия тизимига интеграциялашувни ва ундаги молиявий операцияларни бошқаришни чуқур ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасини жаҳон хўжалигига кириб боришида, унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги бўйича

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 8-жилд. 2000 й. 365-366-бетлар.

устунлиги, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар бўйича қизғин мунозараларнинг мавжудлигига қарамасдан, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда, ҳукумат, мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини инобатга олмоқда. Мамлакатнинг халқаро молия тизимига интеграциялашуvidан ижобий натижага эришиши бевосита мазкур тизимга интеграциясини кучайтиришга боғлиқ бўлади.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатнинг халқаро молия тизимига интеграциялашувининг алоҳида олинган назарий ва амалий масалалари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар – М.Ершов, Л.Красавина, В.Крашенинников, И.Платонова, А.Наговицин, А.Суэтин, И.Носкова, С.Моисеев, Ж.Матук, М.Пebro, Н.Самсоноваларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Халқаро молия тизимига интеграциялашув масалаларининг илмий-назарий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Вахабов, Ё.Абдуллаев, Н.Жумаев, У.Бурханов, Т.Расулов, Э.Хошимовларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашувини кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- халқаро молия тизими ва унинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрнини тадқиқ этиш;
- миллий иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия муносабатларининг ролини ва аҳамиятини ёритиш;
- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашuvi ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтиришнинг услубларини

тадқиқ этиш;

- ташқи иқтисодий фаолият ва унинг устувор йўналишларини ёритиш;

- Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашуви даражасининг асосий кўрсаткичларини таҳлил этиш;

- Ўзбекистоннинг халқаро валюта-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ва интеграцион бирлашмалардаги фаолиятини ёритиб бериш;

- Ўзбекистонда халқаро молия операцияларини ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни ёритиш;

- Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашувини таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб, халқаро молия тизимига интеграциялашувни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб эса, халқаро молия тизимига интеграциялашувни кучайтириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- халқаро молия тизими ва унинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни тадқиқ этилди;

- миллий иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти ёритилди;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтиришнинг услублари тадқиқ этилди;

- Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашуви даражасининг асосий кўрсаткичларини таҳлил этилган ҳолда интеграциялашувнинг устувор йўналишлари аниқланди ;

– Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашувини таъминлаш масалалари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларидан фойдаланилди. Илмий ишнинг назарий асосларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари, мақолаларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Низом ва йўриқномалари, шунингдек республикамиз ва хорижлик олимлар томонидан халқаро молия муносабатлари, валюта муносабатлари бўйича чоп этилган адабиётлардан, интернет маълумотларидан ва илмий мақолалардан кенг фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг методологик асоси бўлиб, илмий билимнинг диалектик услуби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”, “Ўзбекистон ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тамойиллари” ҳамда бошқа асарларида баён қилинган ғоялари ва таклифлари тадқиқотнинг муҳим методологик асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан халқаро молия муносабатларини ривожлантиришни тадқиқ этишга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни халқаро молия тизимида интеграциялашувни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллашнинг мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларида «Халқаро молия

муносабатлари», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркиби ва тузилиши.
Диссертация иши кириш, учта бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида, мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, илмий янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида, халқаро молия операцияларининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва уларни бошқаришнинг умумназарий асослари тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи бобида, Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашувини таъминлаш амалиёти таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг учинчи бобида эса, Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашувини таъминлаш ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш истиқболлари ёритилган.

Хулоса қисмида, тадқиқот жараёнида ўрганилган маълумотлар асосида эришилган илмий натижалар умумлаштирилган ҳолда баён этилган.

I-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро молия тизими ва унинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни

Халқаро молия тизими – халқаро молиявий ресурслар мажмуини ва уларнинг ҳаракатланишини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Халқаро молия муносабатлари муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро даражада шакллантирилган молиявий ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Халқаро молия муносабатлари ўзига халқаро валюта муносабатлари, халқаро кредит муносабатлари, халқаро инвестиция муносабатлари, халқаро савдо муносабатлари, халқаро солиқ муносабатлари, халқаро лизинг муносабатлари, мамлакатлар тўлов балансини бошқариш, халқаро молия ташкилотлари билан алоқалар каби муносабатларни қамраб олади. Глобаллашув жараёни – жаҳон савдосининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кенгайиши, капиталнинг халқаро оқимини ривожланиши, хизматлар ва маҳсулотларнинг халқаро ҳаракати халқаро молиянинг ривожланишига замин яратди. Шунингдек, мазкур ҳолат жаҳон молия бозорларининг, халқаро молиявий корпорацияларнинг юзага келишига, давлатлараро молиявий муносабатларнинг ва халқаро молиявий фаолиятнинг бошқа жиҳатларини мураккаблашувига олиб келди.

Халқаро молия тизими доимий ўзгарувчан халқаро пул тизимларининг ҳолати ва ривожланишини, алоҳида мамлакатлар тўлов балансининг ўзгаришини, халқаро молия бозорлари, халқаро молиявий корпорациялар, халқаро банк ва инвестицион фаолиятни намоён этади. Халқаро молия тизимининг асосий иштирокчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: банклар, трансмиллий корпорациялар, портфел инвесторлар

ва халқаро расмий қарздорлар. Халқаро молиявий операциялар алоҳида мамлакатларнинг молия тизимига жиддий таъсир кўрсатувчи куч ҳисобланади.

Халқаро молия тизими ўзида объектив асосга эга бўлган молиявий муносабатларни ифодалайди. Халқаро молия тизимидаги муносабатларнинг моддий асоси бўлиб мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган халқаро молиявий оқимлар, жумладан, пул оқимлари – импорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг тўловлари ҳамда маҳсулот ва хизматлар экспортдан келган валюта тушумлари, ушбу оқимлар хўжалик юритувчи субъектлар молиясини ифодалаши мумкин, лекин улар турли мамлакатларга тегишли бўлади, шу боисдан мамлакатлар ўртасидаги пул оқимлари ҳаракатини намоён этади. Шунингдек, кредит маблағлари оқими ҳам икки томонлама бўлиб ҳисобланади, бир томондан қарзнинг берилиши бўлса бошқа томондан эса, унинг қайтарилиши ва фойзларнинг тўланиши намоён бўлади. Шундай қилиб, мазкур оқимлар асосида молиявий ресурсларнинг мамлакатлар ўртасидаги ҳаракати юзага келади. Уларнинг тақсимланиши бир томондан валюта курслари асосида иккинчи томондан эса, божхона тарифлари асосида бошқарилади.

Молиявий ресурслар халқаро молия ташкилотлари ва институтлари фаолияти жараёнида шаклланади ва фойдаланилади. Мазкур институтлар ва ташкилотлар давлатлараро тузилмага эга бўлиб муайян функцияларни бажаради. Уларнинг молиявий таъминоти умумлашган (масалан, БМТ бюджети) ёки мақсадли (аниқ дастурлар ва тадбирлар учун мўлжалланган) фондлар орқали амалга оширилади.

Молиявий ресурсларнинг муайян қисмини халқаро даражада марказлашуви жаҳон хўжалиги эҳтиёжларини таъминлайди, бундай ресурсларни шакллантиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари бўлиб, иқтисодий интеграциянинг кучайиши, турли соҳалардаги халқаро лойиҳа

ва дастурларни амалга оширишда мамлакатларнинг иштироки, кредит ва савдо муносабатларини ривожланиши ҳисобланади.

Шундай қилиб, халқаро молия тизими – бу халқаро молия бозори ва халқаро институтлар томонидан шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилишини ўз ичига олган молиявий ресурслар ҳаракати асосида ҳосил бўлган муносабатлар тузилмаси бўйича мураккаб тизимдир.

Мамлакат давлат молиясининг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- битта мамлакат ҳудудидан чиқмайди;
- хорижий субъектларни жалб қилмайди;
- миллий қонунчилик асосида амалга оширилади;
- мамлакат ичида амалга оширадиган ҳисоб-китобларни ўзида ифодалайди.

Халқаро молия тизими эса турли хилдаги жиҳатларни ўзига қамраб олади. Буларга:

- иқтисодий категория сифатида – молиявий ресурсларнинг фондлари бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш асосида ташкил этилган ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган умумий эҳтиёжларни қондириш ва жаҳон даражасида ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва узлуксизлигини таъминлаш учун фойдаланилади.

- институционал жиҳатдан – бу банклар, валюта ва фонд биржалари, халқаро молия институтлари, минтақавий молия-кредит ташкилотлари, халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмалар мажмуи бўлиб улар орқали жаҳон молиявий оқимларининг ҳаракати амалга оширилади.


- иқтисодий муносабат сифатида – бу, жаҳон бозорида капитал, хизматлар, товарлар ҳаракати вақтида миллий маҳсулотларнинг қайта тақсимланиши жараёнида юзага келувчи пул кўринишидаги муносабат.

Давлатлараро ва трансмиллий молия-кредит муносабатларини ўз ичига олади ва уларда хорижий элементлар иштирокини ифодалайди.

Халқаро молия тизимидаги молиявий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Жаҳон бозорларининг вужудга келиши, айниқса товар бозорлари.
2. Халқаро меҳнат тақсимоти.
3. Иқтисодий алоқаларнинг байналмилаллашуви ва глобаллашуви.
4. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда интеграция жараёнларининг кучайиши.
5. Илмий-техника тараққиёти;
6. Халқаро молия муносабатларининг кўп томонлама тартибга солиш тизимини такомиллаштирилиши;
7. Жаҳон иқтисодиётида глобал муаммоларнинг кескинлашуви.

Халқаро молия жаҳон хўжалигининг аниқловчи тизимларидан бири ҳисобланиб, миллий ва жаҳон иқтисодиётига аниқловчи таъсир кўрсатади.



1.1.1-расм. Халқаро молия муносабатлари ва халқаро қайта ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги²

² Атаниязов Ж.Х. Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти. Т.: 2014 й.

Халқаро молия яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатади ва унинг элементларига қуйидагилар киради:

- Жаҳон валюта тизими – миллий ва захира валюталар, халқаро жамоавий валюталар, ўзаро конвертирлаш шартлари, валюта паритети, валюта курси, валюта курсларини тартибга солишнинг миллий ва халқаро механизмларидан ташкил топган.

- Халқаро ҳисоб-китоблар – молиявий инструментлар, ишлаб чиқариш омиллари, товарлар ҳаракати, шунингдек, халқаро ҳисоб-китоблар билан боғлиқ барча операцияларни акс эттирувчи тўлов балансига хизмат қилади.

- Халқаро молия бозорлари ва муайян молиявий инструментлар савдоси механизмлари – валюта, кредит, қимматли қоғозлар.

- Халқаро солиққа тортиш – пул маблағлари фондларини шакллантириш методи сифатида.

- ТМКларнинг халқаро молиявий менежменти, бунда трансмиллий молиялаштириш, рискларни бошқариш, халқаро инвестициялаш жараёни асосий ўринга чиқади.

Жаҳон иқтисодиётининг тизим сифатидаги фаолияти товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллариининг ҳаракати билан боғлиқ. Ушбу боғлиқлик асосида халқаро молия муносабатлари юзага келади.

Халқаро молия муносабатлари бу халқаро молия бозори иштирокчиси бўлган шахснинг қарорига мувофиқ тарзда ўзига тегишли бўлган хорижий валюталарнинг ҳаракат жараёнини тавсифловчи фундаментал иқтисодий категориядир.

1970 йилларда халқаро молия тизимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди ва мазкур ўзгаришлар таъсирида замонавий жаҳон валюта-молия тизими шакллана бошлади. Жаҳон молия тизимидаги ўзгаришлар ва халқаро молия муносабатларининг ривожланиши кўп жиҳатдан трасмиллий корпорациялар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан

бутун дунё бўйлаб ишлаб чиқариш тармоқларини вужудга келтириш ҳамда барча ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган глобал стратегия амалга оширилди. Шунингдек, халқаро молия муносабатлари ривожланишида молиявий жиҳатдан барқарор ҳамда кўп сонли хорижий филиалларга эга бўлган трансмиллий банклар муҳим роль ўйнади.


Халқаро кредитлашдан фойдаланиш хусусиятининг ўзгариши билан боғлиқ равишда халқаро кредит бозори ҳажми кескин ортиб борди. Унинг охирги йўналиши нафақат халқаро айрибошлаш соҳаси (маҳсулотлар, хизматлар ва бошқ.) балки, ишлаб чиқариш соҳаси ҳам бўлди. Бу ҳолат, бирмунча йирик кредитларни узоқ муддатларга жалб этишни, шунингдек, молия-кредит хизматлари мажмуасини ривожлантиришни талаб этарди. 1970 йилларда халқаро кредитни тўлов балансининг тақчиллигини бевосита ёки билвосита молиялаштириш учун фойдалана бошладилар. Хусусий фирмалар билан бир қаторда йирик қарздорлар сифатида ҳукуматлар, давлат ташкилотлари ва корхоналар, халқаро кредит ташкилотлари юзага келди.

Ушбу даврда нефт импорт қилувчи ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тўлов баланслари жами тақчиллигининг қарийб 60% халқаро капитал бозорлари ҳисобига молиялаштирилди. Халқаро кредит ҳажмининг ошиши нафақат еврокредитларнинг ўсиши ҳисобига балки, хорижий кредитлаш бозорлари кенгайиши ҳисобига содир бўлди. Япония миллий валютаси “иена” ҳисобига хорижий кредитлар бозори ҳажмининг ошиши натижасида Токиода иенадаги хорижий облигациялар эмиссияси ҳажми кескин ортди. Мазкур ҳолат натижасида Япония иенаси евравалюта бозорида кенг қўлланила бошланди.

1970 йилларда халқаро капитал бозори кенгайишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатди ва натижада халқаро ресурслар айланиши ва ликвидлиги ошиб борди. Ушбу даврда жаҳон иқтисодиёти иккита нефт инқирозини бошдан кечирди ва нефт нархининг бирданига кескин

ўзгаришига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат натижасида нефт экспорт қилувчи мамлакатларда йирик валюта ортиқчалиги, нефт импорт қилувчиларда эса, жумладан кўплаб ривожланган мамлакатларда жорий ҳисоблар бўйича тақчиллик юзага келди. Бу тақчиллик асосан реципиент-мамлакатларга халқаро банклар, еврооблигациялар бозори орқали тушган нефтедолларлар ҳисобига қопланди.

Жаҳон иқтисодиётида рўй берган бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам хақаро молия муносабатлари ривожланишига ижобий ва салбий жиҳатдан сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар жумласига, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимларидаги ўзгаришлар, валюта тизими тамойилларининг ўзгариши, қарздорлик инқирозлари, мамлакатлар томонидан иқтисодий интеграцион бирлашмаларнинг тузилиши, халқаро ва минтақавий молия ташкилотларининг вужудга келиши, трансмиллий корпорация ва банклар фаолиятининг кенгайиши, жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирозларни киритиш мумкин.



1.2.1-расм. Халқаро молия тизимининг тузилмавий таркиби³

³ Атаниязов Ж.Х. Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти. Т.: 2014 й.

Халқаро молия тизимининг барча ташкилий элементлари жаҳон молиявий муҳитида бирлашади.

Жаҳон молиявий муҳити – инвесторлар ва корпорациялар молияси, банклар бошқарувчилари қабул қилувчи қарорларга таъсир кўрсатади ҳамда жаҳон молия бозори ўсиши шароитини аниқлайди.

Халқаро молия тизимининг асосий функциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- валюталар айрибошлаш ва ҳисоб-китоб тизими шартларининг бирхиллашуви;
- валюта курслари режимларини тартиблаштириш ва валюта чекловларини тартибга солиш;
- халқаро валюта ликвидлигини тартибга солиш;
- кредит, суғурта, инвестиция ва фонд операциялари халқаро қоидаларини бирхиллаштириш;
- мазкур функцияларни амалга оширувчи ва назорат қилувчи халқаро молия институтларини ташкил этиш.

Халқаро молия муносабатларининг субъектлари сифатида қуйидагилар иштирок этади: давлат, корхона, ташкилотлар, фирмалар ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, трансмиллий корпорациялар, трансмиллий банклар, биржалар, жисмоний шахслар. Халқаро молия муносабатлари турли мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида, давлат ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасида, давлат ва корхоналар билан халқаро молия институтлари ўртасида юзага келиши мумкин.

Давлат халқаро молия соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий субъект ҳисобланади.

Марказий банклар – бу иқтисодий дони давлат томонидан тартибга солиш органлари бўлиб, уларга монопол тарзда банкноталар чиқариш, пул

муомаласи, кредит ва валюта курсини тартибга солиш, валюта захираларини сақлаш вазифалари бириктирилган.

Халқаро ташкилотлар – улар халқаро шартнома асосида ташкил этилган бўлиб, доимий фаолият кўрсатувчи органларга эга бўлган ҳолда жаҳон хўжалиги бирликларининг иқтисодий, ижтимоий ривожланишига ёрдамлашиш вазифаларини бажаради.

Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари – жаҳон иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида халқаро валюта ва молия-кредит муносабатларини тартибга солиш учун давлатлараро келишувлар асосида ташкил этилган иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро молиянинг ривожланишида трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банклар каби субъектлар фаол роль ўйнайди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида халқаро молия тизимидаги операциялар кескин тарзда ривожланиб бормоқда, ўз навбатида мазкур операциялар халқаро валюта операциялари, кредит операциялари, савдо операциялари, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялари, лизинг операциялари кўринишида намоён бўлмоқда. Шундай экан, мазкур ҳолат юқоридаги операцияларни самарали бошқариш ҳамда пировардида ижобий натижага эришишни тақозо этмоқда.

1.2. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёни халқаро молия муносабатларининг ривожланиш эволюцияси билан узвий боғлиқдир. Халқаро молия муносабатлари жаҳон хўжалигининг шаклланиши жараёнида алоҳида ўрин тутди.

Халқаро молия муносабатлари аста-секин жаҳон хўжалигининг таркибий элементига айлана борди. Ҳозирги вақтда халқаро молия

муносабатларини жаҳон хўжалигининг ривожланиши натижасида шаклланган мустақил иқтисодий тизим сифатида баҳолаш мумкин.

Жаҳон хўжалиги – бозор иқтисодиётининг объектив қонуниятларига бўйсунувчи халқаро молия муносабатлари орқали ўзаро боғлиқ миллий иқтисодиётлар йиғиндиси сифатидаги глобал иқтисодий тизимдир.

Жаҳон хўжалигининг барқарор ривожланишида алоҳида олинган миллий иқтисодиётлар ҳолати муҳим ўрин тутати. Чунки, миллий иқтисодиётлар жаҳон иқтисодиётининг асосий субъекти ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида унинг ташқи дунё билан алоқалари ҳолати, мамлакатнинг халқаро молия муносабатларидаги иштироки муҳим ўрин тутати. Мамлакатнинг халқаро молия муносабатларидаги иштирокининг кучайишида халқаро молия муносабатларини амалга ошириш механизмларини самарали тарзда ташкил этиш билан узвий боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, халқаро молия муносабатларининг предмети иккита муҳим таркибий қисмни ўзига қамраб олади, яъни халқаро молиявий муносабатлар ва уларни амалга ошириш механизми. Маълумки, мамлакатлар ўртасидаги халқаро молия муносабатлари муайян механизм орқали амалга оширилади, бунда халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган меъёрий нормалар, давлатлараро даражадаги шартнома ва битимлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро қабул қилинган келишувларга амал қилинади.

Халқаро молия муносабатлари механизмига ҳуқуқий нормалар ва уларни амалга ошириш воситалари (шартномалар, келишувлар, битимлар, резолюция ва конвенция) халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган йўл-йўриқларни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи халқаро молия ташкилотлари киради.

Халқаро молия муносабатлари жаҳон хўжалиги тизимида тез-тез такрорланиб турувчи турли хил даражадаги комплекс, алоҳида олинган

бир мамлакат ва уларнинг ҳудудий бирлашмалари ва субъектлари, алоҳида ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни ўз ичига олади.

Халқаро молия муносабатлари тузилмавий жиҳатдан қуйидагиларни ўрганишни тақозо этади:

- халқаро валюта муносабатлари;
- халқаро иқтисодий интеграцион жараёнлар;
- халқаро савдо муносабатлари;
- инвестициялар ва капиталнинг халқаро ҳаракати;
- мамлакатлар тўлов балансларини бошқариш;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- халқаро молия ташкилотлари фаолияти ва бошқ.

Халқаро молия муносабатларининг объектив асосини халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалиги ҳамда ундаги иқтисодий алоқалар тизими ташкил қилади. Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги миллий иқтисодиётлар йиғиндисидан иборат бўлган глобал иқтисодий тизим бўлиб, бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига, халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва капиталнинг халқаро ҳаракатига мувофиқ тарзда ўзгариб боради.

Халқаро молия муносабатлари ривожланишининг миллий иқтисодиётга таъсири қуйидаги муҳим хусусиятлар орқали намоён бўлади:

- Молиявий глобаллашув жараёни. Мазкур жараён қуйидаги ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади:

- мамлакатларни жаҳон иқтисодиётидаги жараёнларга жалб этиш;
- ишчи кучи, технология, капитал, маҳсулотлар ва хизматларнинг глобал бозорларини барпо этиш;
- жаҳон хўжалик алоқаларининг глобал инфратузилмасини яратиш;
- халқаро молия муносабатлари билан миллий иқтисодиётнинг қоидаларини универсаллаштириш;

– йирик ишлаб чиқаришга асосланган халқаро ишлаб чиқариш тармоқларини вужудга келтириш.

- Иқтисодий интеграцион ҳудуд ва бирлашмаларнинг ташкил топиши. Миллий иқтисодиётларнинг халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёни ҳисобланади.

- Халқаро молия бозорларидаги ўзгаришлар. Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган молия институтларининг жаҳон молия бозорларидаги иштирокини мувофиқлаштириб боради.

- Глобал рақобатлашув жараёнининг кескинлашуви. Ушбу ҳолат, миллий иқтисодиётлар томонидан жаҳон бозорларида ўрин эгаллаш учун юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида вужудга келади.

- Трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банклар ролининг ортиб бориши. Бу ҳолат, жаҳон иқтисодиётида трансмиллийлашиш жараёни кучайиши, яъни, алоҳида мамлакатларга ёки бир нечта мамлакатларга тегишли халқаро компаниялар ва банклар фаолиятининг ривожланиши, улар томонидан хорижий филиалларнинг кенгайтирилиши орқали юзага келди.

- Мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши. Мазкур ҳолат, миллий иқтисодиётнинг ташқи дунё учун очиклик даражаси орқали ифодаланади. Бунда, халқаро молия муносабатларининг иштирокчилари учун муайян шарт-шароитларнинг яратилиши, хусусан, халқаро савдода божларнинг пасайтирилиши, хорижий инвесторларни кенг жалб этишга қаратилган қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ҳамда валюта чекловларининг бекор қилиниши каби тадбирлар амалга оширилиши муҳим ўрин тутди.

- Ташқи иқтисодий алоқаларнинг халқаро меъёрий-ҳуқуқий базасини қабул этилиши.

- Мамлакатлар ўртасидаги молиявий муносабатларни халқаро

жиҳатдан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини ташкил қилиниши.

Алоҳида олинган миллий иқтисодиётнинг халқаро молия муносабатларидаги иштирокини бир неча миқдорий кўрсаткичлар билан тавсифлаш мумкин:

- экспорт квотасининг миқдори, бунда экспорт ҳажми ЯММга нисбатан фоизда ҳисобланади;
- импорт квотасининг миқдори, бунда импорт ҳажми ЯММга нисбатан фоизда ҳисобланади;
- ташқи савдо квотасининг миқдори, бунда ташқи савдо айланмаси ҳажми ЯММга нисбатан фоизда ҳисобланади.

Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаш асосида мамлакатнинг халқаро молия муносабатларидаги иштирокини баҳолаш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида рўй берган ўзгаришлар халқаро молия муносабатларининг истиқболда ривожланиш тенденцияларини белгилаб берди:

- халқаро молия муносабатлари соҳасида икки томонлама муносабатлардан кўп томонлама муносабатларга ўтиш;
- жаҳон ҳўжалигида халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- халқаро савдо муносабатларининг анъанавий товарлар савдосидан миллий ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита хизмат кўрсатиш воситасига айланиб бориши;
- капитал миграциясининг глобаллашуви;
- ҳудудий иқтисодий интеграция жараёнларининг янада кенгайиши ва жадаллашуви.

Халқаро молия муносабатлари ривожланишида капиталнинг халқаро ҳаракати, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклида у ёки бу мамлакатга кириб бориши, шунингдек, халқаро савдонинг маҳсулотлар, турли хизматлар кўрсатиш, технологиялар соҳасидаги ривож ижобий омил сифатида таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон савдосининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кенгайиши, халқаро капитал ҳаракатининг ривож, чегаралараро товарлар, хизматлар ҳамда ишчи кучи миграцияси халқаро молия муносабатларининг ривожланишига, шунингдек, жаҳон молия бозорларининг тараққий этишига ҳамда трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайишига, халқаро молиявий фаолиятнинг бошқа жабҳаларини жадаллашувига имкон яратди

Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молиянинг вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- миллий иқтисодиётларнинг ягона халқаро тизимга интеграциялашувини таъминлаш;
- халқаро савдо ҳамда товарлар, хизматлар ва капитал айирбошлашнинг оқилона ҳаракатини ташкил этиш;
- миллий иқтисодиётларни халқаро иқтисодий ва молиявий ўзгаришларга мослаштириш;
- мамлакатларнинг миллий молиявий сиёсатини юритишида тавсиялар бериш.

Халқаро молия муносабатлари таркибига халқаро айланмага келиб тушган ва халқаро иқтисодий муносабатларда, яъни резидентларнинг ташқи дунё билан юзага келадиган муносабатларида қўлланиладиган молиявий муносабатлар тизими киритилади. Халқаро молия қуйидагиларга хизмат қилади:

Биринчидан, турли мамлакат резидентлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ва ўзаро ҳамкорликка;

Иккинчидан, жаҳон мамлакатларининг турли хил молиявий институтлар билан юзага келадиган ўзаро муносабатларига;

Учинчидан, турли мамлакатлар резидентларининг халқаро молия бозорларидаги операцияларини ташкил этишга.

Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия операцияларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- жаҳонда капиталнинг нотекис жойлашиши, бунда капитал ресурси капиталга бой мамлакатдан капиталга муҳтож мамлакатга қараб оқиб боради;

- кўп мамлакатларда жамғарма ва инвестициянинг номутаносиблиги. Бунинг натижасида инвестиция учун ортиқча маблағлар ёки дефицит содир бўлади. Оқибатда мос равишда капиталнинг соф экспорти ёки импорти вужудга келади;

- мамлакатларнинг инвестицион муҳитидаги, шунингдек капитал қўйилмалар учун шароитлардаги фарқланишлар;

- капитал эгасининг капиталдан фойдаланиш самарадорлигидаги фарқлар ва унинг бошқа чет элдаги капитални эгаллашга қаратилган ҳаракатлари ҳамда капиталдан самарасиз фойдаланаётган жойдан ўрин олишга ҳаракат қилиши;

- иқтисодий ресурс сифатида одатда капитални юқори даражада сафарбар этилиши. Бу ҳолат жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, эркинлашуви, трансмиллийлашуви ва интеграциялашуви шароитида янада кўпроқ кучга эга бўлади.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида халқаро молия муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Бунда, аввало мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларининг тараққий этиши алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида халқаро валюта муносабатлари ва халқаро ҳисоб-китобларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

1.3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтириш услублари

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар

амалга оширилмоқда. Бошқарувнинг маъмурий-буруқбозлик тизими асосан бузиб ташланди, бозор механизмлари ишга туширилди, молия ва пул тизимлари шакллантирилди ва ривожланмоқда, миллий валюталари жорий этилди, мулкчилик муносабатлари тубдан ўзгартирилмоқда, хусусийлаштириш кенг қўламда олиб борилмоқда. Умуман олганда ижтимоий ва сиёсий барқарорлик сақланиб қолмоқда.

Марказий Осиё минтақаси миллий бозорларнинг тарқоқлиги ва торлиги, ташқи иқтисодий сиёсатнинг келишилмаганлиги, молиявий ва технологик ресурсларнинг чекланганлиги шароитида бугунги кунда хорижий рақобатчиларнинг босимига қарши туришга ва ички бозорни ҳимоя қилишга қодир эмас. Боз устига ушбу республикалар иқтисодий салоҳият даражасига ва ижтимоий муаммолар ҳал этилиши даражасига кўра бир-биридан анча фарқланади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан интеграциялашуви мамлакат минтақасида ташқи иқтисодий алоқалар таъсири самарадорлигини оширишга ҳар томонлама хизмат қилади. Чунки, ушбу интеграцион бирлашувнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Марказий Осиё давлатлари интеграцияси - қатнашчи мамлакатларнинг ихтиёрийлигига ва улар томонидан иқтисодий иттифоқнинг қулайлиги ва зарурлиги англаб етилишига асосланган эволюцион жараёндир. Ушбу иттифоқ қатнашчи мамлакатларга иқтисодиётларнинг қўшимча қиймат устунликларига эга бўлиш ва динамик иқтисодий ўсиш траекториясига кириш имконини беради.

Қуйидагиларни бундай иттифоқнинг афзалликларига киритиш мумкин:

- минерал, қишлоқ хўжалиги ва энергетика ҳом ашёсининг барча турлари билан минтақанинг тўлиқ ўзини ўзи таъминлаши; биргаликдаги қудратли экспорт салоҳияти;

- кооперация ва қўшма инвестициялар асосида рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини берувчи жами ишлаб чиқариш салоҳияти;
- таълим даражасининг юқорилиги ва иш кучининг паст қиймати билан характерланадиган меҳнат ресурслари;
- бир томондан, Россия ва Европа билан, иккинчи томондан, Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қулай жуғрофий-сиёсий мавқеи;
- сув ресурсларидан ва бошқа табиий ресурслардан биргаликда оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликка эришиш имконияти;

Бироқ ягона иқтисодий маконни шакллантириш сусти ва катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Энергия манбаларини ва хом ашё ресурсларини экспорт қилишда ҳамда саноатнинг рақобатбардошлилигини оширишда жамоавий манфаатларни ҳимоя қилишга доир концепция ва биргаликдаги хатти-ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилмаган. Минтақанинг сув, энергетика, газ, транспорт комплексларидан ўзаро фойдали фойдаланиш соҳаларида жиддий ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Бир қанча тармоқ интеграция муаммолари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган. Кейинги вақтларда амалга оширилиши кўп маблағни талаб этмайдиган маданий, илмий алоқалар қисқармоқда. Иқтисодиётларни ислоҳ қилиш, уларнинг таркибий қайта тузилиши йўналишлари ва динамикасида зарур мувофиқлаштириш ишлари мавжуд эмас. Илгари имзоланган бир қанча битишувлар шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилмаяпти. Келишилмаган экспорт сиёсати, (нархлар ва ташқи чегара тарифлари бўйича) учинчи мамлакатлар бозорларида экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг айрим гуруҳлари бўйича қатнашчи давлатларнинг асоссиз равишда рақобатлашишига олиб келмоқда. Иқтисодиётларни ислоҳ қилиш тезлигининг турличалиги, бошқа қатнашчи давлатларнинг манфаатларини камситувчи бир томонлама қарорлар қабул қилиниши интеграция жараёнини тўхтатиб қўймоқда.

Ҳукуматлар экспорт ва импортга маъмурий тўсиқларни бекор қилиб, божхона бождарини олиб ташлаб ҳамда савдо операцияларига хизмат қилувчи молиявий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиб ва қўллаб-қувватлаб, шунингдек нархларни маъмурий назоратдан тўлиқ озод қилиб товарларнинг давлатлар бозорида эркин ҳаракат қилишини таъминлаши керак.

Ҳозирги вақтда минтақавий фаолиятда Ўзбекистоннинг роли тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Бу бир неча сабаблар билан изоҳланади:

Ўзбекистон мустақил хом ашё ва энергетика базасига, шунингдек катта инсон ресурсларига ва нисбатан сиғимли истеъмол бозорига эга;

Республиканинг жуғрофий жойлашиши Марказий Осиёнинг қолган тўрта республикаси билан умумий чегара мавжуддиги билан характерланади.

Марказий Осиё минтақаси доирасида умумминтақавий тартибга солиш объекти бўлиши керак бўлган давлатлараро интеграция дастурларини барпо этиш ва амалга оширишнинг алоҳида муҳим роли ва устувор аҳамиятини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда ташқи иқтисодий фаолият юритишда диверсификацион таъминотларга ҳам эътибор қаратиш, мамлакатимизнинг келажакдаги истиқболлини ва қўлланмаган ҳавфларни бартараф этиш, шунингдек бундай ҳавфлар пайдо бўлган тақдирда улардан келадиган салбий таъсирларни максимал даражада камайтириш имконини беради. Диверсификация – муайян тўплам таркибининг турли-туманлигини таъминлаш чоратadbирлари. Диверсификация даражаси турли-туманлилик даражаси билан белгиланади. Диверсификациялашдан муҳим инвестиция концепцияси тариқасида фойдаланилади. У инвестиция портфели даромадлилигини пасайтирмаган ҳолда унинг рискинни пасайтиради.

Диверсификациялашдан олинadиган энг юқори самара бир турдаги актив қийматининг пасайиши бошқа турдаги актив қийматининг ўсиши

ҳисобига қопланишини таъминлайдиган тарзда инвестиция портфелига турли синфлар, тармоқлар, минтақалар активларини қўшиш орқали эришилади.

Яъни, ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишда қуйидаги диверсификацион тамойилларга эътибор қаратиш ижобий самара бериши мумкин:

- ташқи иқтисодий алоқаларни иложи борида кўпроқ ва минтақавий жиҳатдан турлича бўлган мамлакатлар билан ўрнатиш лозим;
- экспорт таркибини турлича маҳсулотлар ташкил этиши лозим;
- бир хил турдаги маҳсулот ёки хизматни бир вақтнинг ўзида жаҳоннинг турлича қитъаларида жойлашган давлатларга экспорт қилиш лозим;
- иқтисодиёт учун зарур бўлган импорт маҳсулотлари ҳам экспорт сиёсатида амал қиладиган тамойил сифатида амалга оширилиши лозим;
- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини ташкил этишда турли мамлакатлар тажрибасини ўзимизни шароитга мослаштирган ҳолатда амалга ошириш лозим;

Юқоридаги шу каби тамойилларга амал қилиш ташқи иқтисодий алоқаларни самарасини янада кучайтиради деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон ишлаб чиқаришида улуши узлуксиз равишда ошиб бораётган Осиё давлатлари янги транспорт йўлаклари, шу жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган транспорт йўлаклари ривожланишидан манфаатдордир. Минтақа давлатлари шунингдек ўз транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланишдан ҳам манфатдорлиги аён, чунки у саноатнинг асосий тармоқлари ва қишлоқ хўжалигига катта таъсир кўрсатади.

Юкларнинг Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Марказий Осиё ҳудуди орқали Россияга ва Европага томон ташилиши жаҳон транспорт тизимини мақбуллаштириб, йўлга кетадиган вақтни

қисқартириб, минтақа давлатлари учун даромадларнинг янги манбаини яратибгина қолмай, балки уларнинг ички иқтисодий ривожланишига ва экспортни кенгайтиришга кучли турки беради. Қуйидагилар транспортни ривожлантиришнинг устувор лойиҳалари ҳисобланади:

- халқаро денгиз портлари қурилиши ва улардан биргаликда фойдаланиш;
- давлатлараро темир йўл тармоқларини ривожлантириш;
- автомагистраллардан биргаликда фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, истиқболда Осиё-Европа магистрал автомобиль йўли барпо этиш;
- ҳаво бушлиғидан биргаликда фойдаланиш, Европа-Осиё авиация алоқаси Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтишига йўналиш олиш;
- магистрал газ қувурлари қуриш.

Баён қилинганларни жамлаб трансмиллий компаниялар, молиявий-саноат гуруҳлари ва эркин савдо зоналари барпо этиш асосида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг чуқур интеграцияси иқтисодиётларимизнинг юксалиши ва барқарор жараён учун шарт-шароитлар яратишни қайд этиш зарур. Бундан ташқари, бу истиқболда тугалланган цикли саноатнинг етакчи тармоқларини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ягона комплексини ташкил этиш имконини беради ҳамда бизнинг давлатларимизга халқаро меҳнат тақсимотида тўлақонли қатнашиш имкониятини яратади.

Интеграция даражаси минтақада ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турлари билан белгиланади. Истиқболда ёқилғи-энергетика ресурслари, машинасозлик, шу жумладан кон қазихна, металлургия, қишлоқ хўжалиги (иригация) асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш, донни қайта ишлаш маҳсулотлари, озиқ-овқат комплекси,

айниқса дон бозори соҳасида ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш кооперацияси энг кўп ривожланади.

Яна иккита истиқболли йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар нефть-газ машинасозлиги ва нефть кимёсидир. Уларнинг ривожланиши бизнинг республикаларимизда нефть ва газ қазиб олиш ҳажмлари ўсиши истиқболи билан изоҳланади, бу ўз навбатида нефть-газ машинасозлиги маҳсулотлари лойиҳаларини таъминлаш масаласини ўртага қўяди.

Минтақада интеграция жараёнларининг реал шарт-шароитлари ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган мажбурий макроиқтисодий чора-тадбирлар кўриш фурсати етди, уларга қуйидагилар тегишлидир:

- иқтисодий ислохотларни мувофиқлаштириш;
- миллий хўжалик қонунчиликларини яқинлаштириш;
- тузилмавий, кредит-пул, валюта, нарх, солиқ ва ижтимоий сиёсатнинг умумий стратегиясини келишиш.

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари интеграцияси минтақадаги комплекс устувор муаммоларни ҳал этиб ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кучайишининг муҳим омилига айланади. Минтақа мамлакатларининг тарихий, жуғрофий, маданий ва тил умумийлиги жараённинг суръатлари ва кўламларига кўмаклашади, интеграциянинг ўзи эса миллий ўзига хослик, давлат суверенитети ва сиёсий мустақилликни сақлаб қолиниши шароитида юз беради. Албатта, интеграция ривожланишининг шаклланаётган ички ва ташқи омиллари шароитида Марказий Осиё давлатлари томонидан иқтисодий ҳамкорлик шакллари ривожлантирилишига интеграциянинг ҳар хил шакллари аста-секин амалга оширган ҳолда изчил эришилади. Айни вақтда жаҳонда сиёсий ва иқтисодий ҳодисаларнинг ривожланиши

Марказий Осиё давлатлари салоҳиятининг жамланишини ва тўлақонли интеграция ҳамдўстлиги шакллантирилишини талаб этади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграциясининг ҳалқаро тажрибаси Марказий Осиё ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча хулосаларга келиш имконини беради.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида жуда муҳимдир.

Биринчидан, иқтисодий вазифа сифатида минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш учун ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларнинг умумий мақсадлари билан бирлашган қатнашчи давлатлар раҳбарларининг ягона сиёсий идораси зарур;

иккинчидан, хусусий бизнесга ва хорижий инвесторларга ишонч шарти сифатида барқарор макроиқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий вазият интеграция иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатлар иқтисодиёти интеграцияси муваффақиятли қадам ташлашининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун уларга хос бўлган олдинги ижтимоий тузилмаларни ўзгартириш қийинчиликлари билан боғлиқ эркин савдо зонасини, кейинчалик эса ягона иқтисодий маконини барпо этиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. У бошқа ислохотлар (таркибий қайта ўзгартиришлар, хусусийлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашишини бекор қилиш, нархларни эркинлаштириш ва бошқалар) билан узвий уйғун бўлиши керак;

учинчидан минтақавий интеграция эркин савдо зонасини, сўнгра божхона, тўлов ва валюта иттифоқини ташкил этишга доир комплекс чоратadbирлар сифатида аста-секин, изчил амалга ошириладиган жараён эканлигини эсда тутиш зарур, бунда ҳар бир босқичда қатнашчилардан ҳар бирининг манфаатлари ва хулосалари келишилиши керак;

тўртинчидан, ривожланган инфратузилмаси (транспорт, алоқа, газ, нефть қувурлари, озиқ-овқат ташиш ва бошқа коммуникациялар) мавжудлиги минтақавий интеграциянинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади, улардан интеграция ҳамдўстлиги барча аъзоларининг манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш зарур;

бешинчидан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари бир томонлама парча-парча иқтисодиётга, ички бозорнинг энг кўп сиғимиغا эга. Шу сабабли бошқа ривожланган минтақавий иттифоқлар тажрибасидан келиб чиқиб, улар, минтақавий ҳамдўстлик манфаатларига дахл етказмаган ҳолда, учинчи мамлакатлар билан савдо ва ҳамкорлик қилиш учун қулай ва фойдали шарт-шароитларни ўзаро келишишлари керак.

I боб бўйича хулоса.

Жаҳон иқтисодиётида рўй берган бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам хақаро молия муносабатлари ривожланишига ижобий ва салбий жиҳатдан сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар жумласига, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимларидаги ўзгаришлар, валюта тизими тамойилларининг ўзгариши, қарздорлик инқирозлари, мамлакатлар томонидан иқтисодий интеграцион бирлашмаларнинг тузилиши, халқаро ва минтақавий молия ташкилотларининг вужудга келиши, трансмиллий корпорация ва банклар фаолиятининг кенгайиши, жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирозларни киритиш мумкин.

Халқаро молия тизими ўзида объектив асосга эга бўлган молиявий муносабатларни ифодалайди. Халқаро молия тизимидаги муносабатларнинг моддий асоси бўлиб мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган халқаро молиявий оқимлар, жумладан, пул оқимлари — импорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг тўловлари ҳамда маҳсулот ва хизматлар экспортидан келган валюта тушумлари, ушбу оқимлар хўжалик юритувчи субъектлар молиясини ифодалаши мумкин, лекин улар турли

мамлакатларга тегишли бўлади, шу боисдан мамлакатлар ўртасидаги пул оқимлари ҳаракатини намоён этади.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида халқаро молия тизимидаги операциялар кескин тарзда ривожланиб бормоқда, ўз навбатида мазкур операциялар халқаро валюта операциялари, кредит операциялари, савдо операциялари, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялари, лизинг операциялари кўринишида намоён бўлмоқда. Шундай экан, мазкур ҳолат юқоридаги операцияларни самарали бошқариш ҳамда пировардида ижобий натижага эришишни тақозо этмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида халқаро молия муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Бунда, аввало мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларининг тараққий этиши алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида халқаро валюта муносабатлари ва халқаро ҳисоб-китобларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ

2.1. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият ва унинг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, ўзининг мустақил ташқи сиёсатини, шу жумладан, ташқи иқтисодий сиёсатини юрита бошлади. Мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсати энг аввало, миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда халқаро молия муносабатларида фаол иштирок этишга қаратилган.

Республикамызда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган стратегия изчил амалга оширилар экан, бу мақсадларга эришишда ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси тасарруфига:

- ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонун асосларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий сиёсатни, шу жумладан валюта-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси валюта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш;

- ташқи иқтисодий иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида республиканинг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- республика ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмаларда вакиллик қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган бошқа ваколатлар киради.

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги асосий вазифалар сифатида қуйидагилар белгиланган:

- биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар ўз даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий этиш;
- иккинчидан, хорижий сармоядорларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;
- учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш;
- тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга – республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика

комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга қодир, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш⁴.

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Булар жумласига, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Бож тарифи тўғрисида”ги, “Экспорт назорати тўғрисида”ги қонунларни ҳамда “Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- барча давлатлар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўзаро манфаатлилиги;
- томонларнинг тенглиги;
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича шерикларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан битимлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни ҳалол ва аниқ бажариш принциплари;
- ҳамма томонидан эътироф этилган бошқа халқаро нормалар, қоидалар ва шартларга риоя этиш.

⁴ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. Б.11-12.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг объектлари бўлиб, ҳамма турдаги ресурслар, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳаларида яратиладиган товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизмат, қимматбаҳо қоғозлар, фан-техника маҳсулотлари, интеллектуал ва бошқа бойликлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш ман этиладиган объектлар бундан мустаснодир.

Мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олинб, республика ҳудудида ёки унинг ташқарисида иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан ажнабий юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонун нормалари ва нормаларга, ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга риоя этиши;
- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тақдим этиши;
- халқаро ҳамкорлик доираларида бажарилаётган ишлар, қидирув ишлари ва лойиҳаларнинг санитария-гигиена, экология талаблари ва бошқа талабларга мувофиқлиги ҳақида экспертиза хулосасини олиши;
- рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши шарт.

Мулкчиликнинг шакллари ва ташқи иқтисодий фаолиятининг турларидан қатъи назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, ўз хоҳишига қараб ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳар бир субъекти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига, шу жумладан чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақлидир. Унинг қарорига кўра ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари қонунларда белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши ёхуд уларга ишониб топширилиши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгага ўтказиладиган тақдирда томонлар ўзаро муносабатларни шартномалар (битимлар) асосида тартибга оладилар.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан ўтказиш;
- табақалаштирилган солиқлар ва имтиёзлар системаси, шу жумладан валюта бўйича ҳам белгиланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг давлат тизимини яратиш;
- айрим минтақалар, тармоқлар ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантириши учун

дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджетдан қарз бериш тарзида молиявий ёрдам кўрсатиш, таваккалчиликни суғурта қилиш;

- республика ташқи иқтисодий алоқаларининг турли шакллари ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, пул билан таъминлаш ва экспертиза қилиш;

- Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ҳужжатлаштириш;

- маҳсулотни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилаш;

- валюта ва бошқа фондлар маблағларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ҳамда иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи ошиб бормоқда. Бунда давлатимиз ҳукумати томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, уларни амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бу йўлдаги ютуқ ҳамда марраларнинг салмоқли бўлишига имконият яратмоқда.

Маълумки, ташқи иқтисодий фаолият миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. У мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига бўлган алоқасини ифодалаб, унинг истиқболини белгилаб беради. Экспорт салоҳиятини ошириш орқали мамлакат ичида ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришнинг ривожланишига эришилади. Мамлакат экспорти ҳамда импортининг қиймати ўртасидаги фарқ, яъни сальдо ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич миллий даромад даражасига кўп томонлама таъсир этади. Сабаби, импорт ва экспорт ҳажмидаги сезиларли ўзгариш ҳам мамлакатдаги даромад, бандлик ва нарх

даражаларида муайян тебранишларни келтириб чиқариши мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизда кескин рақобатлашув шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бир қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йуналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Мазкур дастурнинг мақсади, мавжуд ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан имкон борица тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш асосида экспорт ҳажмининг барқарор ўсиши учун қулай шарт-шароитларни яратишдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга кенг жалб қилиш, уларга кафолат ва имкониятлар бериш, лицензиялар, ноу-хаулар сотиб олишга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва ривожлантиришда қўйидагиларни устувор йўналишлар сифатида келтириш мумкин:

- Республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш;
- экспорт имкониятларини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, аввало, қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур. Экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўллаш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона даражада камайтириб бориш талаб қилинади;

– ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотини чет элларда сотишда кўпроқ эркинликлар бериш, товарлани экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш;

– хорижий инвестициялар жалб қилиш орқали амалга оширилаётган саноат лойиҳаларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳамкорлик ва инфратузилмани ривожлантириш ва бу орқали импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштиришга эришиш;

– олиб борилаётган ислохотларда ҳудудий диверсификация сиёсатини янада кучайтириш, нафақат марказий ҳудудларда балки чекка туманларда ҳам йирик саноат объектларини қуришни кенг йўлга қўйиш;

– ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуини ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалари, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш;

– халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисоб соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг мазкур йўналишларини изчил тарзда амалга ошириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича яқин келажакка мўлжалланган стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, экспортни рағбатлантириш учун аввало, барқарор макроиқтисодий шароит яратиш, инфляция суръатини прогноз даражасида ушлаб туриш, валюта алмаштириш курсларининг кескин тебранишларига йўл қўймаслик;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир хил имкониятга эга бўлишларини таъминлаш;

учинчидан, етук мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ислохотларни давом эттириш;

тўртинчидан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларида юқори технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

бешинчидан, мамлакатда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асосида экспорт салоҳиятини ошириш.

2.2. Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашуви даражасининг асосий кўрсаткичлари таҳлили

Мамлакатнинг халқаро молия тизимида интеграциясида ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, жаҳон бозорларига юқори сифатли тайёр маҳсулотлар билан кириб бориш ва мустаҳкам ўрин эгаллаш, экспорт ҳажмини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ташқи савдо алоқалари халқаро ҳамкорликнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, турли мамлакатлар билан илмий-техник, маданий алоқаларни йўлга қўйиш улар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш иқтисодиётни фаол ва ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёрдам берувчи воситадир.

Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайдилар: «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди»⁵. Шунга кўра, мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий интеграциялашув жараёнларида иштирок этишда, жаҳон молиявий инқироzi оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида дунёнинг турли мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар амалга оширилмоқда. Мазкур алоқалар маҳсулотлар ва хизматлар савдоси, илмий-техник соҳадаги айирбошлаш, хорижий сармояларни жалб этиш, халқаро туризм, халқаро ишчи кучи миграцияси каби иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий сиёсатнинг самарали натижаси ўлароқ сўнгги йилларда мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида сезиларли натижаларга эришилди.

⁵ И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 11-12-бетлар.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради. “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ кутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”⁶.


Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 64-б.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

Республикамизда 2014 йил ташқи савдо соҳасида экспортнинг импортга нисбатан барқарор ўсиши билан тавсифланади. Ташқи савдо ривожланишидаги 2009 йилда бошланган ижобий тенденциялар 2014 йилда янада мустаҳкамланди.

2014 йилда мамлакатимизда экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминлаш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар республикамиз ташқи савдо балансининг 177 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо билан ижро этилишини таъминлади.




2.2.1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, миллиард доллар⁷

⁷ <http://mfer.uz/uz/export/export-potential/>

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятнинг такомиллашуви ва тадбиркорлик фаоллигининг ўсиши натижасида 2014 йилда ташқи иқтисодий соҳада юқори натижаларга эришилди.

2014 йилда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 28,0 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 14,1 млрд. АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 13,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо сальдоси 177,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Умумий экспорт таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 80 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Расмдан кўринадики, 1990-2014 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 35 марта, экспорт ҳажми 32 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикамиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.



2.2.2-расм. 2014 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг экспорти таркиби, фоизда ⁸

⁸ <http://mfer.uz/uz/export/export-potential/>

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда мамлакатимиз экспорти таркибида юқори улушни ёқилғи ва нефть маҳсулотлари ҳамда хизматлар ташкил этган, шунингдек улушига кўра кейинги ўринларда озиқ-овқат маҳсулотлари, пахта толаси, қора ва рангли металллар, машина ва ускуналар эгаллаган.

Кейинги йиллар давомида мамлакатимизда экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди.

2.2.1-жадвал

2014 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси экспорти таркибининг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, фоизда⁹

Экспорт таркиби	2013 йилга нисбатан(фоизда)	натижага нисбатан(фоизда)
Пахта толаси	93,5	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	44,1	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	91,2	5,8
Электрэнергия ва нефть маҳсулотлари	177,1	37,4
Қора ва рангли металллар	94,6	8,0
Машинасозлик ва ускуналар	91,9	7,0
Хизматлар	130,6	17,6
Бошқалар	48,8	7,9

Шуниси диққатга сазоворки, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Буни экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси орқали кузатиш мумкин.

Қуйидаги жадвалдан кўринадикки, 1990-2014 йиллар давомида экспорт таркибида пахта толасининг улуши 59,7 фоиздан 7,4 фоизга, яъни 8 баробардан кўп қисқарди. Натижада экспортнинг хомашёга боғланиб қолиш муаммоси тўла барҳам топди. Аксинча, хизматлар экспортининг улуши 16,6 марта, машина ва ускуналар – 2,3 марта, кимёвий маҳсулотлар

⁹http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

ва улардан тайёрланган буюмлар – 2 марта, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари – 1,5 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг улуши 3 марта ўсгани экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарлар улушининг ошишига ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланишига замин яратди.

2.2.2-жадвал


Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда¹⁰

Экспорт таркиби	1990 й.	2000 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Пахта толаси	59,7	27,5	9,6	7,7	7,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	6,7	9,8	11,9
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,8	4,0	4,6
Электрэнергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	37,4	31,1	25,9
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	8,0	6,3	6,9
Машинасозлик ва ускуналар	1,7	3,4	7,0	5,5	3,9
Хизматлар	1,3	13,7	17,6	16,2	21,6
Бошқалар	9,4	30,2	7,9	19,4	17,8

Мамлакатимизда ички бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор мамлакатлар билан маҳсулотлар импорти ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди.

Қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда мамлакатимиз импорти таркибида юқори улушни машинасозлик ва ускуналар, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этган, шу билан биргаликда салмоғи бўйича кейинги ўринларни қора ва рангли металллар, хизматлар, электрэнергия ва нефть маҳсулотлари эгаллаган.

¹⁰ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/



2.2.3-расм. 2014 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг импорти таркиби, фоизда ¹¹

Импорт таркибида хизматлар (130,1 фоиз), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар (122,2 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (119,4 фоиз) сезиларли даражада ошди. Аксинча, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари импорти ўтган йилга нисбатан камроқ (90,2 фоиз) бўлди.

2.2.3-жадвал

2014 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси импорти таркибининг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, фоизда ¹²

Импорт таркиби	2013 йилга нисбатан (фоизда)	натижага нисбатан (фоизда)
Озиқ-овқат маҳсулотлари	119,4	9,9
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	122,2	14,4
Электр энергия ва нефть маҳсулотлари	90,2	7,3
Қора ва рангли металллар	108,7	7,8
Машинасозлик ва ускуналар	109,3	45,4
Хизматлар	130,1	6,1
Бошқалар	88,9	9,1

Агар мамлакатимиз импорти таркибининг йиллар давомидаги динамикасини кузатадиган бўлсак, унда ҳам маълум сифат ўзгаришлари юз берганини кўриш мумкин.

¹¹ <http://mfer.uz/uz/export/export-potential/>

¹² http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

2.2.4-жадвал


Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда¹³

Импорт таркиби	1990 й.	2000 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Машинасозлик ва ускуналар	12,1	35,4	45,4	44,2	39,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	14,4	14,3	16,0
Электрэнергия ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	7,3	7,2	6,2
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	7,8	7,9	8,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	9,9	9,7	10,9
Хизматлар	1,5	8,5	6,1	5,8	7,5
Бошқалар	14,5	17,8	9,1	10,9	11,7

Таъкидлаш лозимки, импорт таркибида машинасозлик ва ишлаб чиқариш ускуналари улуши 2014 йилда 39,7 фоизни ташкил қилиб, бу 1990 йилга нисбатан деярли 3,5 баробар кўпдир. Мазкур ҳолат мамлакатимизда иқтисодийни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуrollантириш жараёнларини амалга оширишда замонавий ва юқори технологияларга асосланган машина ва ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган эҳтиёж билан изоҳланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 1990 йилда 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 10,9 фоизга, яъни деярли 5 баробар қисқарди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосларининг тобора ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. Шунингдек, ушбу даврда хизматлар импорти улушининг 5 баробар ўсиши мамлакатимизда замонавий хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиб бораётганидан дарак беради.

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2013 йил якунларига кўра 47,8 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2014 йилга келиб 49,8 фоизни ташкил этгани ҳолда 2 фоизли пунктга ошган.

¹³ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/




2.2.4-расм. Ўзбекистон экспортининг давлатлараро таркиби, жамига нисбатан фоизда¹⁴

2005 йилдан кейинги даврларда мамлакатимизнинг МДХ давлатлари билан ўзаро ташқи савдо алоқалари хусусан, экспорт муносабатларининг ривожланганлигини, яъни экспорт ҳажмининг ошиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин. 2014 йилда мамлакатимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Қуйидаги расм маълумотларидан 2014 йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг минтақавий тузилмасини кўришимиз мумкин, бунга кўра ташқи савдо айланмасида салмоғига кўра юқори улушни Европа ҳамда Осиё мамлакатлари билан бўлган савдо айланмаси ташкил этган бўлиб мос равишда 51,2 ва 46,3 фоизни ташкил этган. Агар мазкур кўрсаткичларнинг олдинги йилга нисбатан ўзгаришини кўрадиган бўлсак, бунда Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо муносабатларини улушининг ошганлигини қайд этишимиз мумкин.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.




2.2.5-расм. 2014 йилда ташқи савдо айланмасининг минтақавий тузилмаси, жамига нисбатан фоизда¹⁵

Жами экспорт таркибида МДХ мамлакатларига қилинган экспорт маҳсулотларида юқори улушни электрэнергия ва нефть, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда машинасозлик ва ускуналар ташкил этган. Бошқа мамлакатлар билан бўлган экспорт таркибида эса, юқори улушни турли хил маҳсулотлар, пахта толаси, хизматлар, қора ва рангли металллар эгаллаган. Бу мамлакатлар бўйича мамлакатимиз экспортининг диферсификациялашув даражаси нисбатан юқори бўлмоқда. Жумладан, 2014 йил маълумотларига кўра, фақат Хитой (9,7%), Швейцария (7,9%), Афғонистон (3,3%), Туркия (3,2%), Эрон (2,7%), Германия (2,2%), АҚШ (1,7%) мамлакатларига экспорт ҳажмининг мамлакатимиз экспортидаги улуши 1 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



2.2.6-расм. Экспортнинг МДХ ва бошқа мамлакатлар бўйича таркиби¹⁶

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. “Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлаklarини топиш, бир сўз

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

билан айтганда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур”¹⁷.



2.2.7-расм. Ташқи савдо айланмасининг товар ва географик таркибини тақомиллаштириш йўналишлари¹⁸

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайитишда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайитиш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2012-2018 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга

¹⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 64-б.

¹⁸ Тадқиқот натижасида магистрант томонидан шакллантирилди.

чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан ташқи савдо сиёсатининг оқилона тарзда юритилаётганлиги ташқи иқтисодий алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланишини таъминламоқда. Ушбу барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш мамлакатимизнинг халқаро молия тизимида муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Ўзбекистоннинг халқаро валюта-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион бирлашмалардаги фаолияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эркин очик бозор иқтисодиётини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий асосларни барпо этиш йиллари сифатида муносиб тарихий воқеликка айланди. Шунингдек, мамлакатимизда барқарор банк тизими яратилиши билан халқаро молиявий муносабатлар кўлами янада кенгайиб борди, бу ҳолат ўз навбатида халқаро молия институтлари ва тижорат банклари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банклари ҳамда халқаро молия институтлари ўртасида бир қатор самарали лойиҳалар

амалга оширилмоқда, бу эса республикаимиз иқтисодиётини тараққий этишида мустаҳкам рол ўйнамоқда.

Бугунги кунда халқаро молиявий институтларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилганликлари учун ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзолик тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлиб кирди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 93-Ф рақамли 1993 йил 27 мартдаги Фармойишига мувофиқ республиканинг ХВФ имзо квотасига тўлов амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки халқаро молия ташкилотларининг алоқа агентлиги ва авуарлар депозитарийси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур муассасаларга аъзолиги билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ваколатига эга.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан келишган ҳолда Молия вазирлиги ва Марказий банк юқорида қайд этилган халқаро ташкилотлар олдидаги қарз маблағлар олиш, тўлов фоизларини бериш ва республика номидан қарз мажбуриятларини жойлаштириш билан боғлиқ молиявий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажаришни таъминлайди.

Ўзбекистонга ХВФнинг миссияси техникавий ёрдам кўрсатиш ва ҳукуматда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида консультациялар ўтказиш мақсадида мунтазам келиб туради. Миссиянинг фаолияти иқтисод, молия шўъбаси ва статистика

соҳасидаги ишнинг ахволини ўрганишга, шунингдек, кейинги иқтисодий ислоҳатлар йўналишини аниқлашга қаратилган.

ХВФ экспертларининг ўрганишлари натижаси бўйича тавсия ва аналитик материаллар ишлаб чиқилади, макроиқтисодиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида тавсиялар тайёрланади, булар барчаси Марказий банк томонидан амалиётда ҳисобга олинади.

Бундан ташқари ХВФ билан битимнинг “Валюта тартибига нисбатан мажбуриятлар” моддасига мувофиқ Фонд миссияси бир йилда камида бир марта Ўзбекистондаги жорий макроиқтисодий ва валюта сиёсатининг обзорида ўтказилади. Миссия иши натижалари бўйича тегишли ҳисобот тайёрлаш билан бирга ХВФ ижрочи директорлари кенгаши муҳокамасига олиб чиқилади.

Халқаро Валюта Фонди экспертлари билан биргаликдаги ҳамкорлик ва ишлаш муайян ижобий натижаларни берди.

ХВФ банк қонунчилигини, бухгалтериянинг ҳисобга олиш ҳисоб рақамлари янги режасини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқишга, шунингдек ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг янги тизимини жорий этишга кўмаклашди, бу банк назорати самараси ва унинг меъёрий негизи даражасини ошириш имконини берди. ХВФнинг техникавий кўмаги тўловлар электрон тизимини жорий этиш ва статистика маълумотлари йиғиш тизимини яхшилашга олиб келди.

ХВФ кредитлари миллий валютани қўллаб-қувватлаш, тўлов балансини мустаҳкамлашга ажратилди ва бевосита Ўзбекистон ҳукуматига берилади.

ХВФ раҳбарияти ва экспертлари техник ёрдам бериш ва Ҳукумат ҳамда Марказий банкда маслаҳатлар ўтказиш мақсадида бир неча бор Ўзбекистон Республикасига ташриф билан келди.

Ўзбекистон Республикаси ва ХВФ томонидан иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича имзоланган Меморандумда республика иқтисодиёти ислохотини давом эттириш, валюта бозорини эркинлаштириш, халқаро жорий операциялар бўйича миллий валютани айирбошлаш қилиниши таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 1998 йил 18 мартдаги 118 қарори билан иқтисодий ислохатларни янада ривожлантириш мақсадида валюта ва савдо тизимини янада эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишга атрофлича ёндошишни ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи тузилди. Унинг зиммасига ташқи савдоси тартибга келтиришни янада яхшилаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш, валюта тизимини эркинлаштириш ва жорий операциялар бўйича миллий валютанинг алмаштиришига эришиш ҳамда бир маромдаги алмашинув курсини белгилаш, шунингдек ХВФ билан бундан буён ҳамкорликка ёндошиш ва унинг тамойиллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юклатилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган аналитик таклифларда ҳозирги вақтда амал қилаётган валюта ва савдо тартибларининг ўзига хос томонлари таъкидланади, шунингдек, эркинлаштиришнинг турли кўринишлари (жадаллаштирилган ва тадрижий эркинлаштириш) таҳлили ўтказилади. Бундан ташқари, ҳужжатда халқаро ташкилотлар томонидан эркинлаштириш бўйича тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари муҳокама этилади.

Шу билан бирга эркинлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш қисқа муддатлар ичида бир қатор нохуш вазиятларга, шу жумладан, инфляция ўсишига, пул-кредит ва бюджет тизимида қисқа вақтга бўлса ҳам тазйиқ ўтишига, шунингдек баъзи корхоналарда

вақтинчалик молиявий қийинчилклар бўлишига олиб келиши мумкинлиги маъқулланади. Уларни минималлаштириш мақсадида эркинлаштириш ва расмийлаштириш курсини тўғрилаш билан бир вақтда, келишиб олинган тартибда пул-кредит ва бюджет сиёсатини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўриб ўтилганлардан республикада юритилаётган макроиқтисодий сиёсатни ҳисобга олиб, валюта бозорларини босқима-босқич эркинлаштириш сиёсати маъқул кўрилди.

1992 йил сентябр ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассосиасиаси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликда Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўғрисида”ги қонуни кучга кирди. Ҳозир Тошкентда Жаҳон банкнинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Жаҳон банкнинг мамлакатга кўмак бериш бўйича мўлжалланган Стратегияси доирасида Давлатнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилаётган дастурлар тўплами асосий 4 йўналишга қаратилган:

- 1) иқтисодий ўсиш учун шароитни яхшилаш;
- 2) қишлоқларда иқтисодий ўсиш имкониятларини ошириш;
- 3) аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш;
- 4) атроф-муҳитни бошқариш ҳамда глобал оммавий эҳтиёжларнинг тақдим этилиши.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Жаҳон банки билан ҳамкорликда қуйидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда:

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси;

- Ирригация инфратузилмалари ва дренажларни реконструкция қилиш лойиҳаси;
- Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳаси;
- Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш лойиҳаси;
- Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қувурлар тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳаси;
- Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси;
- Сирдарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси;
- Талимаржон иссиқлик электр станцияси (ИЭС) қурилиши лойиҳаси;
- Соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш лойиҳаси (Саломатлик-3);
- Электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини жорий этиш лойиҳаси;
- Олот ва Қорақўл туманларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси ва бошқ.

Жаҳон банки Ўзбекистонга соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда қатнашмоқда. Хусусан, Жаҳон банки лойиҳаси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилашга ёрдам бери. Шунингдек, банк тиббиёт ходимларини ўқитишни ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш масалаларига тавсиялар беришни молиялаштиради.

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар билан амалга оширилаётган лойиҳаларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

2.3.1-жадвал.

Жаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалар¹⁹

Лойиҳалар	Молиялаштириш манбаси	Молиялаштириш ҳажми, млн. АҚШ долл.
Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси, 2-фаза	ХРА	108.0
Ирригация инфратузилмалари ва қувурларни реконструкция қилиш лойиҳаси	ХТТБ/ХРА	60.0
Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳаси, 2-фаза	ХРА	28.0
Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш лойиҳаси	ХРА	65.5
Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қувурлар тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳаси	ХРА	55.0
Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси	ХРА	25.0
Сирдарё вилоятида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси	ХРА	88.0
Талимаржон иссиқлик электр станцияси (ИЭС) қурилиши лойиҳаси	ХТТБ	110.0
Соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш лойиҳаси (Саломатлик-3)	ХРА	93.0
Электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини жорий этиш лойиҳаси	ХТТБ	180.0
Олот ва Қорақўл туманларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси	ХРА	82.0
Умумий кредитлаш ҳажми		894.5

Банк Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган ҳамкорликни ҳам амалга оширмоқда. Кредит линиясини амалга ошириш 95 500 гектар майдонда ирригация ва қувур тизимларини яхшилашга ёрдам берди, шунингдек 600 фермер хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ва

¹⁹ <http://www.worldbank.org/content/dam/Worldbank/document/Uzbekistan-Snapshot>

ўрта корхоналар техника, жиҳозлар сотиб олиш учун 30 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олишган.

Ўзбекистоннинг Ғарбий қисмида яшовчи қарийб 2 миллион қишлоқ аҳолиси хавфсиз ва ишончли сув таъминотига эга бўлишди. Бу эса, айниқса Орол бўйи ҳудудида касалланиш даражасини қисқартиришга ёрдам берди. Бундан ташқари, Урганч, Бухоро ва Самарқандда сув таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳа доирасида санитар-эпидемиология ва вилоят соғлиқни сақлаш марказларининг ҳолати яхшиланди.

Бюджет ҳисоботининг мукамаллигини ва мунтазамлигини такомиллаштириш бўйича банкнинг тавсиялари давлат ресурсларидан фойдаланишда ички шаффофликни оширишга ёрдам берди. Шунингдек, 2011 йилда Ўзбекистон ғазначилик тизимида 2001 йилда давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимига асосланган бюджет таснифини амалга оширишда банкнинг тавсиялари муҳим ўрин тутди.

Илғор хориж тажрибасига мувофиқ лизинг тармоқлари ва уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича қўлланилган тавсиялар ушбу соҳаларни ривожлантиришга имкон яратди.

Мамлакатимизнинг Осиё Тараққиёт Банки билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари етарли даражада фаол ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда Осиё тараққиёт банкига (ОТБ) аъзо бўлган.

Ўзбекистонда ОТБ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар 4 та муҳим соҳаларга йўналтирилган. Булар:

- қишлоқ хўжалиги;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- транспорт ва божхона транзити соҳаларида минтақавий ҳамкорлик;
- болаликни ҳимоя қилиш ва бошланғич таълимни эгаллашга қаратилган ижтимоий хизматларни такомиллаштириш.

2.3.2-жадвал.

1996-2013 йилларда ОТБ кредитларининг тармоқлар бўйича таркиби²⁰

Тармоқлар	Микдори	Жами, АҚШ долл.	%
Қишлоқ хўжалиги ва табиий бойликлар	10	565.40	13.93
Таълим	8	290.50	7.16
Энергетика	7	780.00	19.21
Молия	3	120.00	2.96
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя	1	40.00	0.99
Саноат ва савдо	2	175.00	4.31
Бошқа тармоқлар	2	400.00	9.85
Давлат секторини бошқариш	1	20.70	0.51
Транспорт ва ахборот технологиялари	10	1,170.30	28.83
Сув таъминоти ва инфратузилма	9	498.00	12.27
Жами	53	4,059.90	100.00

ОТБ 1996 йилдан 2013 йилга қадар Ўзбекистонга 53 та лойиҳа учун умумий суммаси 4,06 млрд бўлган лойиҳалар тасдиқланиб, 1,5 млрд. доллардан ортиқ кредитлар ажратди. Шунингдек, ушбу даврда ОТБ Ўзбекистонга 54,9 млн. доллар микдорида техник ёрдам кўрсатди. ОТБ томонидан берилаётган молиявий ёрдамларнинг сезиларли қисми ижтимоий соҳаларни ислоҳ этишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. 2013 йилда ОТБ қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, қишлоқларда сув таъминоти тизимини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 691 млн. АҚШ доллари микдорида кредит ажратган.

ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида Мароқанд – Қарши участкасида темир йўлларни электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши лойиҳаси, Андижон шаҳрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш лойиҳаси, Жиззах вилоятининг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қишлоқ аҳоли

²⁰<http://www.adb.org>

пунктларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси, электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлашган тизимини жорий этиш лойиҳаси бўйича битимлар имзоланган.

Шу билан бир қаторда ОТБ ва мамлакатимиз ҳукумати ўртасида Қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида Меморандум имзоланган. Мазкур Меморандумга асосан ОТБ томонидан қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда Осиё Тараққиёт Банки билан амалга оширилган дастурлар ва лойиҳалар хусусан қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ирригация, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва божхона транзити ҳамда болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва бошланғич таълимни яхшилаш каби соҳаларни қамраб олган.

Ўзбекистон 1992 йилдан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки аъзоси ҳисобланади. ЕТТБ Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади.

ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолияти етгита йўналишини белгилади. Булар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришга қаратилади:

- молия сектори ва банк инфратузилмаси;
- кичик ва ўрта корхоналар;
- бозор инфратузилмаси;
- энергетика мажмуаси;
- пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари;
- сайёҳлик инфратузилмаси;
- табиий ресурсларни ўзлаштириш.

Ўзбекистон Ислом Тараққиёт банкига 2003 йил 3 сентябрда аъзо бўлиб кирган. Ушбу банк томонидан мамлакатимизда қатор лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилди, жумладан, минтақавий тез тиббий ёрдам марказларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш, электр энергияси узатиш тармоқларини қуриш, кичик ва хусусий бизнес учун молиялаштириш линиялари, коллежлар ва умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш, давлат молиясини бошқариш ислохотларини ўтказишга қўмаклашиш ва бошқалар.

2006 йилда Ислом тараққиёт банки миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ислом тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2007-2009 йиллардаги уч йиллик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Меморандум имзоланди. Шу билан биргаликда ИТБ бошқарувчилар кенгашининг 29 йиллик йиғилиши доирасида Ўзбекистон Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясига аъзо бўлиб кирди. Ушбу корпорация хусусий секторни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда, шунингдек, корхоналарни қайта қуриш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда давлат ва хусусий секторга маслаҳат хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш, энергетика, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларга йўналтирилган 11 лойиҳани амалга ошириш учун 140,22 млн.доллар ажратилган.

Шунингдек, Ислом тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида 14 лойиҳани ўз ичига олган ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш (сув таъминоти, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқ.), энергетика, кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни молиялаштириш кўзда тутилган бўлиб унинг умумий қиймати 418,15 млн.АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирда Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон ҳамкорлик қилаётган халқаро молия институтлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига қисқа вақт оралиғидаги аъзолиги мобайнида, Банк билан молиявий ва техник ҳамкорлик барқарор ривожланиб, ижобий истиқболларга эга бўлди.

Ўзбекистонга банк томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб қувватлаш каби соҳаларда 15 та лойиҳани амалга ошириш учун 463,8 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг ҳар йил ўтказиладиган ва Жидда шаҳрида бўлиб ўтган 36 йиғилиши давомида Ўзбекистон Республикаси билан Ислом тараққиёт банки ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган уч йиллик Дастурни амалга оширишга доир ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Унда инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кўпайтириш ва умумий қиймати 655,5 миллион долларни ташкил этган 11та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ўзининг маблағларини ажратиш билан фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, мамлакатимиздаги бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳам мазкур ташкилотларнинг ўрни муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида стратегик манфаатларини такомиллаштириб бориб, дунёнинг турли жойларида ва

айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади, шунингдек, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлар ва элатларнинг яқинлашувига, аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Мамлакатларнинг муайян интеграцион ташкилот доирасида бирлашуви, улар ўртасида маҳсулотлар, хизматлар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ муносабатларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, мамлакатлар ўртасида янги технологияларнинг эркин тарқалишига, уларнинг миллий иқтисодиётларда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш жараёнига жорий этилишига қулай замин яратади ва пировардида иқтисодиёт барқарорлигига эришишга кўмаклашади.

Ўзбекистонда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш сиёсати аввало, миллий иқтисодиётнинг барқарор даражада ўсишини таъминлаш ҳамда жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторига киришига йўналтирилган.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёни кучайиши баробарида, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё, МДХ давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти каби интеграцион бирлашмаларда иштирок этиши мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида аккредитациядан ўтказилган қўшма корхоналар ва ваколатхоналар сони хўжалик субъектлари даражасида кооперациявий алоқаларнинг фаол ривожланаётганидан далолат беради.

2012 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар инвесторлари иштирокида 1601 та корхона фаолият юритаётган бўлиб, улардан 270 таси 100 фоиз хорижий сармоя ҳисобига ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар фирма ва компанияларининг 178 та ваколатхонаси аккредитациядан ўтказилган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг қарори билан Кўп томонлама савдо иқтисодий ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан мазкур Дастурни амалга ошириш юзасидан қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли босқичма босқич тадбирлар Режаси ишлаб чиқилган.

2006 йил 22 августда Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар транзит имкониятларини ривожлантириш бўйича Маҳсус ишчи гуруҳнинг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Маҳсус ишчи гуруҳ йиғилишининг натижалари бўйича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида транспорт соҳасидаги лойиҳаларни тезлаштириш мақсадида қуйидаги икки лойиҳани асосийлар сифатида амалга ошириш белгилаб олинди:

– E-40 халқаро транспорт йўналиши таркибида, Қиғоч дарёси бўйлаб кўприк қурилиши билан «Волгоград-Астрахан-Атирау-Байнау-Қўнғирот» ва «Оқтов-Байнау-Қўнғирот» автомобил йўллари бир вақтда ва ўзаро мос равишда қуришни амалга ошириш.

– Қашғар шаҳрида мултимодал ташишлар учун юк ортиш терминалининг қурилиши билан «Ўш-Саритош-Иркештам-Қашғар», «Брацтво-Душанбе-Джиргатал-Карамик-Иркештам-Қашғар» автотранспорт йўналишини ривожлантириш.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида савдо иқтисод, транспорт коммуникация, инвестиция ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик фаолияти изчил давом этмоқда.

МДХ ташкил қилинган дастлабки кундан бошлаб, Ўзбекистон республикаси иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ҳамкорлик алоқаларини мутаҳкамлаш ва кенгайтириш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон Республикаси МДХнинг асосий ва тармоқ органларининг фаолиятида иштирок этади.

Ўзбекистон МДХ барча иштирокчи-давлатлар учун максимал ижтимоий-иқтисодий самарага эришиш мақсадида хўжалик жараёнларини тартибга солишда мувофиқлаштирувчи ролини бажариши керак деб ҳисоблайди.

МДХга аъзо-мамлакатлар билан муносабатда Ўзбекистоннинг ўрни қуйидагилардан иборат:

– МДХнинг барча аъзо-мамлакатлари манфаатларини тенг ҳуқуқлилигини эътиборга олган ҳолда, иқтисодий интеграциянинг устувор йўналишда бўлишини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикаси ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишда интилувчи ихтиёрийлиги тамойилини сақлаш тарафдорлиги ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда Ҳамдўстлик ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Қабул қилинган МДХнинг бундан кейинги тараққиёти Концепцияси ва уни амалга ошириш режасида барча иштирокчи-давлатлар томонидан Ҳамдўстлик фаолиятининг устувор йўналишлари: иқтисодий интеграция, гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, жиноятчилик, янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик масалалари ўз аксини топди. Шунингдек, Концепцияда сиёсий алоқаларни чуқурлаштириш, мувофиқлаштирилган миграцион сиёсатни ишлаб чиқиш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ғавқулодда вазиятларни олдини олиш ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш зарурияти эътироф этилди.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан Ҳамдўстлик бугунги кундаги воқеъликка, интеграцион алоқаларнинг амалий самарадорлигини оширишга, барча ҳамкорлик соҳаларини уйғунликда ривожлантиришга мослаштириш бўйича муҳим ва самарали фаолиятини амалга ошириш учун муҳим дастурга эга бўлди.

Шу муносабат билан, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш МДХ доирасидаги алоқалар самарадорлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг МДХга аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Жумладан:

- аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- МДХнинг бир қатор маҳсулотларини миллий бозордаги мавқеини сақлаш;
- МДХ доирасида хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш;

– Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимиغا хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникацияларидан кафолатли ва хатарсиз фойдаланиш.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо бўлди. Мазкур ташкилот Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Озарбайжон, Покистон, Туркменистон, Тожикистон, Туркия, Ўзбекистон сингари давлатлар ўртасидаги келишув асосида тузилган. ИХТ аъзолари иқтисодий ривожланишга қаратилган кўптомонлама минтақавий ҳамкорликни ўзида мужассам этган мақсад ва вазифаларни амалга оширишади.

ИХТ аъзоси ҳисобланган мамлакатлар ўртасидаги савдони ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо амалиётидаги тажрибаларга таянган ҳолда эркин савдо минтақасини жорий этиш сари ҳаракат қилинмоқда. ИХТ ўзига аъзо мамлакатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро молия муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши кўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ҳамда унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

II боб бўйича хулоса.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича яқин келажакка мўлжалланган стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, экспортни рағбатлантириш учун аввало, барқарор макроиқтисодий шароит яратиш, инфляция суръатини прогноз даражасида

ушлаб туриш, валюта алмаштириш курсларининг кескин тебранишларига йўл қўймаслик;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир хил имкониятга эга бўлишларини таъминлаш;

учинчидан, етук мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ислохотларни давом эттириш;

тўртинчидан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларида юқори технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

бешинчидан, мамлакатда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асосида экспорт салоҳиятини ошириш.

Экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Жаҳон банки Ўзбекистонга соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда қатнашмоқда. Хусусан, Жаҳон банки лойиҳаси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилашга ёрдам бери. Шунингдек, банк тиббиёт ходимларини ўқитишни ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш масалаларига тавсиялар беришни молиялаштиради.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда халқаро молия операцияларини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда халқаро молия муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Чунки, халқаро молия муносабатларининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ошишида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мамлакатда халқаро молия операцияларни ривожлантириш, энг аввало экспорт салоҳиятини ошириш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Шу билан бирга Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг айна палласида экспорт ҳажми ва салоҳиятини ошириш бир неча сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

– биринчидан, экспортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятлардан ташқари таклиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини беради. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мазкур омилнинг долзарблигини шу билан изоҳлаш мумкинки, бир тарафдан, мустақилликка эришгунга қадар мамлакатдаги деярли барча корхоналар нафақат Ўзбекистон, балки бошқа республикалар эҳтиёжини ҳам қондиришга қаратилган ҳолда тузилган бўлса, бошқа тарафдан, мустақиллик йилларида ташкил этилган кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам (асосан тўқимачилик, автомобиль, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида) ички талабнигина эмас, балки ташқи дунё эҳтиёжини ҳам қондиришга йўналтирилган. Бироқ айна пайтда

мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти ва уларнинг бир қатор маҳсулотлари ички бозор ҳажмининг чегараланганлиги ва ушбу соҳада мавжуд муаммолар туфайли экспортнинг ҳам чегараланганлиги учун ўз рақобатбардошлигини йўқотмоқда. Демак, мазкур корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва шу аснода рақобатбардошликка эришиш кўп жиҳатдан келажақда бу маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш билан боғлиқдир. Айни пайтда яна бир омилни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги даврда иқгисодиётнинг деярли кўпгина тармокларида рақобатбардошликка эришиш фақатгина оммавий ишлаб чиқариш (кўлам таъсири) эвазига бўлиши мумкин. Бу эса нафақат ички, балки ташқи бозор талаби ҳам аввалдан ҳисобга олинган тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш кераклигини назарда тутди.

– иккинчидан, экспорт фаолияти даврида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда чет эллик ишлаб чиқарувчилар томонидан жиддий рақобатга дуч келадилар. Бу ҳолат уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларга мос тарзда жорий этиш, янги технологиядан фойдаланиш, маҳсулот ассортименти янгилаб туриш ва унинг таннархини пасайтиришга ундайди. Демак, узоқ муддатли даврда рақобатбардош иқгисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни айтиш мумкин.

– учинчидан, йилдан йилга Ўзбекистон иқгисодиётига киритилаётган чет эл сармоялари кўлами ортмоқда. Бу, ўз навбатада, келажақда сармоя сиёсати билан боғлиқ бўлган сармоявий маҳсулотлар импорти (бунга маънавий ва моддий эскириш натижасида техника ва технологияни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби амалларни мисол қилиш мумкин), чет эл сармояси киритилган корхоналар фойдасини репатриация қилиш, фоиз ва дивидендларни тўлаш, ташқи қарзни узиш ва

ҳок. каби харажатларнинг ошишига сабаб бўлади. Мазкур чиқимларни қоплашнинг асосий манбаи экспорт тушуми бўлганлиги сабабли тўлов баланси ва макроиқтисодий барқарорликнинг келажакдаги ҳолати кўп жиҳатдан мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

– тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш ҳамда жами экспорт ва ишлаб чиқаришда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар салмоғини ошириш иқтисодиётни технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига бориб тақалади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун сармоявий маҳсулотлар импорти ҳажмини сезиларли даражада ошириш керак. Бундай маҳсулотлар импорти харажатларини қоплашнинг асосий манбаи эса экспорт бўлганлиги учун мазкур масаланинг ечими ҳам экспортни ривожлантириш, уни жадаллаштиришга боғлиқ.

– бешинчидан, жаҳон тажрибасига кўра, экспортни рағбатлантириш сиёсати импорт ўрнини босиш сиёсатига нисбатан анчайин самаралироқ. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини сезиларли даражада оширишга фақатгина импорт ўрнини босиш сиёсатидан воз кечиб, экспортни рағбатлантириш сиёсатига урғу бергандагина эришиш мумкин.

Шу билан биргаликда, Республикамизда 2015 йилда олиб бориладиган ташқи иқтисодий сиёсат республика экспорт салоҳиятини янада оширишга, маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга ҳамда мамлакатда истеъмол нархларини паст даражада ушлаб туришга қаратилади.

Ўзбекистон республикасида халқаро молия операцияларини бошқаришининг ҳукукий асослари сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Валютани

тартибга солиш тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа молия тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари хизмат қилади.

Жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ватакомиллаштириш;
 - валюта билан тартибга солиш;
 - солиқ билан тартибга солиш;
 - тариф ванотариф тартибга солиш;
 - Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шужумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;
- ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ваялпи қирғинқуролини етказиб беришга қодир бошқатехника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳимҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;
- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

- техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ваталабларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ваимтиёзлар бериш.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатлари билан товарлар экспорти, импортини тақиқлаш ҳамда чеклаш белгиланиши мумкин ва улар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- миллий хавфсизликни таъминлаш;
- фуқаролар ҳаёти васоғлиғини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- ижтимоий ахлоқ-одобга ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш;
- Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий меросини сақлаш;
- маданий бойликларни, ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш вауларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишдан ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини сақлаб туриш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш;
- тиклаб бўлмайдиган табиий ресурслар тугатилишининг олдини олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқаманфаатларини ҳимоя қилиш.

Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар

(квоталар) белгилаши мумкин. Квоталарни тақсимлаш, қоида тариқасида, танлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади. Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва заҳарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объеклари рўйхатларида кўрсатилган материаллар, товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ташқиқтисодий фаолият амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек халқаро мажбуриятларга риоя этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида экспорт назорати тизими амал қилади. Айрим ўта хавфли ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) материалларни олиб чиқиш экспорт назоратидан ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан келишувга биноан амалга оширилади. Экспорт назорати объеклари рўйхатлари, шунингдек уларни олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан биргаликда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш лозим. Чунки, халқаро молия операцияларининг барқарор ривожланишида хорижий инвестициялар муҳим ўрин тутди.

Халқаро молия операцияларини ривожлантиришга қаратилган чоратadbирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у куйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- иккинчидан, ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёردаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техника базасини янгилайди ва техник қайта куроллантиради;
- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ. к.

Инвестициялар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан хориж капиталини, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш

инвестициялашда энг самарали восита эканлиги маълум. Айнан чет эл инвестициялари мамлакатда иқтисодий ва технологик янгиланиш жараёнини ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.”²¹

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига

²¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.press-service.uz

хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияни макроиқтисодий тартибга солишда хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишида малакали кадрлар, аҳолининг ишбилармон қатлами ҳамда олимларнинг қисқа муддатли иқтисодий-илмий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сармоялардан фойдаланиш эвазига мамлакатда замонавий технология ва нау-хауларнинг яратилиши, янги иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши каби кўплаб иқтисодий ўсишларга ҳам эътибор қаратилмоғи кўзда тутилмоғи даркор.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, автомобиль, кимё, электроника саноатида хорижий инвестицияли корхоналарнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши инвестицияларни қабулқилган мамлакатга янги техника ва технологияларни, маркетинг ва янги бошқарув усуллари кириб келишини таъминлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккита муҳим афзалликка эга:

Биринчидан, улар узоқ муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетишини вужудга келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналминаллашуви шароитида макроиқтисодиёт барқарорликни сақлаб туриши учун муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларнинг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди. Бу, айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Амалиётда кузатилган ҳолатга кўра, инвестициядан самарали фойдаланиш учун инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси кўп укладли иқтисодий давлат бўлиб, унда инвестициялар катта роль ўйнайди. Республикада қабул қилинган инвестиция тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, инвестиция иқтисодий самара, фойда, даромад олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағларидир.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан- тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.


Хорижий инвестициялар киритилишидан асосий мақсад ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмолчиларни жаҳон талабларига мос келадиган товарлар билан таъминлашдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётига 2014 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг давлатлар кесимида кўрадиган бўлсак, бунда юқори улушни Хитой, Россия ҳамда Жанубий Корея давлатлари эгаллаганлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолат кейинги йилларда мамлакатимизнинг Ушбу давлатлар билан фаол инвестиция муносабатларини йўлга қўйганлигини намоён этади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожлантиришда ташқи иқтисодий омиллардан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш.

2. Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш.



3.1.1-расм. 2014 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар давлатлар кесимида²².

3. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

4. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлишлари зарур.

5. Чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиб бериш ва улар учун кафолатли қонунчилик тизимини такомиллаштириш;

6. Экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун етарли шарт-

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

шароитлар яратиш ва давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари ҳажмини ошириш ва ҳ.к.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Бу имтиёزلарни беришдан мақсад - хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш орқали иқтисодиётимизнинг реал сектори салоҳиятини ошириш, юртимиз ҳудудларида янги, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, пировард натижада мамлакатимизни барқарор ва мутаносиб тарзда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдир.

3.2. Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашувининг истиқболлари

Глобаллашув жараёнининг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири – Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларини кучайтириш ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизнинг кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши, жаҳондаги турли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши эътиборга моликдир.

Ҳозирги даврда Республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги асосий стратегияси импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан бирга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ўзининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини

кучайтиришдан иборат.

Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш моделининг асосий таркибий қисмлардан бири ташқи савдодир. Давлат экспорт сиёсати мустақиллик йиллари давомида биринчи навбатда керакли ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишга қаратилган эди, бу пировард натижада ташқи савдо айланмаси тузилмасидаги ижобий ўзгаришларга:

- нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳамда энергия ташувчилари экспорт базасининг кенгайтирилиши;
- импорт тузилмасидаги силжишлар – энергия ташувчилари, бугдой, ғалла улушининг камайтирилиши ҳамда машинасозлик маҳсулоти импорти ҳажмларининг ортиши;
- ташқи савдонинг эквивалентлиги ҳамда ўзаро товар етказиб бериш ҳажмларининг тенг кучлилиги муаммоларининг сусайиши;
- Марказий Осиё минтақасида ташқи иқтисодий интеграциянинг кучайтирилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига инеграциялашувида унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги бўйича қиёсий устунлиги, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўп жиҳатдан боглиқ. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар бўйича қизгин мунозараларнинг мавжудлигига қарамасдан, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда, ҳукумат мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик, меҳнат ресурсларидан фойдаланнш самарасини инобатга олмоқда. Халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши халқаро молиявий муносабатлар иштирокчиларидан юкори даражадаги рақобатбардошликни талаб этади.

Шу жиҳатдан жаҳон хўжалигида Ўзбекистон қўшни МДХ мамлакатларидан ўзининг қуйидаги халқаро устуворликлари билан ажралиб туради:

– қадимий бой маданият, тарихий ва диний ёдгорликлар халқаро туризм саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятларни юзага келтиради;

– қулай табиий иқлим ва табиий бойликлар — ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида рақобатбардош муҳитни шакллантиради;

– “Буюк ипак йўли”да жойлашганлиги халқаро интеграцияда Европа билан Осиёни боғловчи "кўприк" вазифасини бажаришга етарлича имкониятни вужудга келтиради;

– Ўзбекистон Республикаси етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминланган. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо қилиш бу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради:

- мамлакат ҳукумати томонидан ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантириш сиёсатининг юритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларидаги иштирокида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Шуни инобатга олиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 633-ХП сонли "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши тўғрисида"ги қарори қабул килинди.

ХВФ ва Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши нафақат республиканинг жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштирди, балки амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини оширди.

Халқаро молия институтлари билан алоқаларнинг салмоқли қисми

халқаро кредитлар ва қарзлар масаласи билан боғлиқ. Ушбу муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Ташқи қарздорлик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий актлар ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида олинган кредитлар ва қарзлар, асосан қисқа муддатли бўлиб, ички бозорни истеъмол товарлар билан тўлдиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда ҳукумат мазкур қарзларни жалб қилиш соҳасини таркибий жихатдан қайта ўзгартириш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда.

Олинадиган қарзлар ва жалб қилинадиган узоқ муддатли кредитларнинг асосий йўналишлари сифатида экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳалари танланди. Минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан нефть ва газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозликни ривожлантириш, телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш - хорижий инвестициялар жалб қилинадиган устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Хорижий инвестициялар миқёсининг кескин ортиши ва сифат даражаси амалга оширилаётган давлат инвестиция дастури ҳақида маълумот беради. Унинг мақсади - миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятини оптимал даражада ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш, жорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлиқ.

Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

- банк тизимини такомиллаштириш;
- ички суғурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлар бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш ва бош.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигми ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди, у мамлакатни халқаро бозорга қўшилишининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси табиий ресурсларга бой, саноат ва қишлоқ хўжалигида етарли даражада ривожланган айрим ишлаб чиқариш тармоқларига эга. Мисол учун, Ўзбекистон табиий газ қазиб олишда дунёда 9-ўринда, олтин қазиб чиқаришда 7-ўринда, олтингугурт кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ва пилла етиштиришда 7-ўринда туради.

Юқордаги табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда республиканинг халқаро молия муносабатлари ва жаҳон хўжалигига интеграцияси мажмуи аниқ белгиланган мақсадлар ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва унинг жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллашини таъминловчи бўғинларни аниқлаш;

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланиш.

Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун

имтиёзли фоизлар бўйича узоқ муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни суғурталаш;

- экспортёрларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;
- давлат томонидан республикага илғор технологиялар, тажрибалар ва билимларнинг кириб келиши учун субсидиялар ажратиш;
- экспорт ва имтюртни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;
- ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи, хориждан келтирилган хомашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар улушини босқичма-босқич камайтириш ва бошқалар.

Шу билан бирга халқаро молия соҳасидаги сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислохотини тугаллашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутади.

Ўзбекистон учун бу соҳадаги асосий стратегик мақсадлар куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига қўшилиб боришини таъминлаш;
- экспорт потенциалини ривожлантириш;
- импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш:
- инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолият инфратузилмасини ривожлантириш.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим таркибий қисми – давлатларнинг турли халқаро миитақавий бирлашмалари, халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Булар Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди.

Бундай шароитларда бизнинг фикримизча қуйидагилар Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг имтиёзли йўналишлари бўлиши лозим:

- ташқи иқтисодий фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда либераллаштириш сиёсатини ўтказиш;
- экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш йўли билан такомиллаштириш;
- республикамиздаги экспортга мўлжалланган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш;
- хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- Ўзбекистонни жаҳон транспорт коммуникацияларига интеграциялашувини ривожлантириш.

Юқори техникавий савиядаги тайёр маҳсулот улушининг оширилиши юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутиши лозим, бунинг учун эса қуйидагиларни бажариш зарур:

- республикамиздаги экспортчиларнинг маҳсулотини сотиш бозорини шакллантиришда муҳим роль ўйновчи хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспортчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;
- чуқур қайта ишлаш маҳсулотларини юқори технология ва илм

талаб қилувчи буюмлар ишлаб чиқариладиган экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш соҳаси ва унинг таркибини такомиллаштириш;

- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техника ва тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган фан-техника ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш.

- илмий лойиҳаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий лойиҳаларга бозор йўналишини бериш учун шароитлар яратиш мақсадида инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорий қўллаб-қувватлашнинг оптимал уйғунлашувининг асосий йўлларини белгилаб олиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни тижорат аҳамиятига эга бўлган натижалар даражасигача етказиш;

- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилот ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижоратлаштириш ва технологиялар менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси сиғими, талабнинг мавжудлиги ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш зарур бўлади.

Ҳозирги давр кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бир каторда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ҳам тақозо этади. Булар ишсизликни, жаҳон мамлакатларида тез-тез рўй бериб турадиган очарчиликни, турли-туман юқумли касалликларни ва шунингдек, иқтисодий қолоқликни йўқ қилишдир. Бутун дунё

жамоатчилиги диққат марказида турган бундай муаммолар, дунё мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлик қилишини талаб этмоқда ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг тараққий эттириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Глобаллашув шароитида миллий хўжаликларнинг умумжаҳон меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шартига айланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига кириб бориши, республикамизнинг ҳам ички, ҳам ташқи салоҳиятни янада юксалтирмоқда. Ўзбекистоннинг интеграция тузилмаларидаги иштироки туфайли унинг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро алоқалари кенгайиб бораётганлиги, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Шундай экан, интеграция – Ўзбекистоннинг дунё хўжалиги тизимига кириб бориши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига қўшилиши масаласи ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Фақат шу йўл билангина жаҳон фан-техника ва иқтисодий тараққиёти даражасига эришиш мумкиндир.

III боб бўйича хулоса.

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилиш.

2. Халқаро молия операцияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

3. Хорижий инвестициялар киритилишидан асосий мақсад ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмолчиларни жаҳон талабларига мос келадиган товарлар билан таъминлашдир.

4. Хорижий инвестициялар миқёсининг кескин ортиши ва сифат даражаси амалга оширилаётган давлат инвестиция дастури ҳақида маълумот беради. Унинг мақсади - миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятини оптимал даражада ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

5. Глобаллашув шароитида миллий хўжаликларнинг умумжаҳон меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шартига айланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига кириб бориши, республикамизнинг ҳам ички, ҳам ташқи салоҳиятни янада юксалтирмоқда. Ўзбекистоннинг интеграция тузилмаларидаги иштироки туфайли унинг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро алоқалари кенгайиб бораётганлиги, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Глобаллашув шароитида халқаро молия операциялари жадал ривожланиб бораётганлиги сабабали уларнинг кескин ўзгариши мамлакатлар молия тизими ҳолатига салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли уларни мамлакат томонидан белгиланган муайян чора-тадбирлар тизими орқали бошқариб бориш зарурдир.

2. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро молия операцияларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- жаҳонда капиталнинг нотекис жойлашиши, бунда капитал ресурси капиталга бой мамлакатдан капиталга мухтож мамлакатга қараб оқиб боради;

- кўп мамлакатларда жамғарма ва инвестициянинг номутаносиблиги. Бунинг натижасида инвестиция учун ортиқча маблағлар ёки дефицит содир бўлади. Оқибатда мос равишда капиталнинг соф экспорти ёки импорти вужудга келади;

- мамлакатларнинг инвестицион муҳитидаги, шунингдек капитал қўйилмалар учун шароитлардаги фарқланишлар;

- капитал эгасининг капиталдан фойдаланиш самарадорлигидаги фарқлар ва унинг бошқа чет элдаги капитални эгаллашга қаратилган ҳаракатлари ҳамда капиталдан самарасиз фойдаланаётган жойдан ўрин олишга ҳаракат қилиши;

- иқтисодий ресурс сифатида одатда капитални юқори даражада сафарбар этилиши. Бу ҳолат жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, эркинлашуви, трансмиллийлашуви ва интеграциялашуви шароитида янада кўпроқ кучга эга бўлади.

3. Жаҳон иқтисодиётида рўй берган бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам ҳақаро молия муносабатлари ривожланишига ижобий ва салбий жиҳатдан

сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар жумласига, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимларидаги ўзгаришлар, валюта тизими тамойилларининг ўзгариши, қарздорлик инқирозлари, мамлакатлар томонидан иқтисодий интеграцион бирлашмаларнинг тузилиши, халқаро ва минтақавий молия ташкилотларининг вужудга келиши, трансмиллий корпорация ва банклар фаолиятининг кенгайиши, жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирозларни киритиш мумкин.

4. Халқаро молия тизими ўзида объектив асосга эга бўлган молиявий муносабатларни ифодалайди. Халқаро молия тизимидаги муносабатларнинг моддий асоси бўлиб мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган халқаро молиявий оқимлар, жумладан, пул оқимлари – импорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг тўловлари ҳамда маҳсулот ва хизматлар экспортдан келган валюта тушумлари, ушбу оқимлар ҳўжалик юритувчи субъектлар молиясини ифодалаши мумкин, лекин улар турли мамлакатларга тегишли бўлади, шу боисдан мамлакатлар ўртасидаги пул оқимлари ҳаракатини намоён этади.

5. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида халқаро молия тизимидаги операциялар кескин тарзда ривожланиб бормоқда, ўз навбатида мазкур операциялар халқаро валюта операциялари, кредит операциялари, савдо операциялари, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялари, лизинг операциялари кўринишида намоён бўлмоқда. Шундай экан, мазкур ҳолат юқоридаги операцияларни самарали бошқариш ҳамда пировардида ижобий натижага эришишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашуви таъминлаш юзасидан қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикасида халқаро молия операцияларини бошқаришда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланишни тавсия этиш мумкин:

- халқаро молия муносабатларининг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш;
- валюта билан тартибга солишни амалга ошириш;
- солиқ билан тартибга солиш;
- тариф ва нотариф тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

2. Халқаро молия муносабатлари иштирокчиси бўлган органлар фаолиятини ривожлантириш, шунингдек уларнинг халқаро молия операцияларини тартибга солиш жараёнидаги ролини ошириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш буйича яқин келажакка мўлжалланган стратегиясининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, экспортни рағбатлантириш учун аввало, барқарор макроиқтисодий шароит яратиш, инфляция суръатини прогноз даражасида ушлаб туриш, валюта алмаштириш курсларининг кескин тебранишларига йўл қўймаслик;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шаклидан қатъий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир хил имкониятга эга бўлишларини таъминлаш;

учинчидан, етук мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ислохотларни давом эттириш;

тўртинчидан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш тармоқларида юқори технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

бешинчидан, мамлакатда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асосида экспорт салоҳиятини ошириш.

Экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодийтимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

4. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш, солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш.

5. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

6. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлишлари зарур.

Экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари ҳажмини ошириш ва ҳ.к.

Бундай шароитларда бизнинг фикримизча қуйидагилар Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг имтиёзли йўналишлари қуйидагилар бўлиши лозим:

- ташқи иқтисодий фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда либераллаштириш сиёсатини ўтказиш;

- экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш йўли билан такомиллаштириш;

- республикамиздаги экспортга мўлжалланган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш;
- хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- Ўзбекистонни жаҳон транспорт коммуникацияларига интеграциялашувини ривожлантириш.

Мамлакатимизнинг халқаро интеграцион бирлашмалардаги фаолиятини, ушбу бирлашмага кирувчи мамлакатлар билан ўзаро савдо алоқаларини шунингдек, халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Адолат», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни//Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 20 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 21 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони. Халқ сўзи. – 2002 йил 30 август.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек Лизинг интернэшнл АЖ” лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 6-сонли қарори, 1996 йил 5 апрел.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб қувватлашда Бизнес фондининг ташаббускорлиги тўғрисида”ги 240-сонли қарори, 1996 йил 9 июн.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ЎзКейсагролизинг” Ўзбек-Америка лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 311-сонли қарори, 1997 йил 27 феврал.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизimini жорий этиш тўғрисида”ги 462-сонли қарори, 23.10.2003 йил 23 октябр.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисида. Халқ сўзи 2007 йил 15 март.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

17. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

20. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Тошкент, “Ўзбекистон”. -1999, 15-бет

21. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

23. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

24. Каримов И.А. Пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан – эркин ва фаровон ҳаёт. Тошкент.2001йил. Т-8. 31бет.

25. Каримов И.А. Ватан равнақи учун бир биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон , 2001.

26. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

27. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга ҳамжамиятимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

28. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

29. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

30. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

31. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – 65 б.

32. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш – Т.: Ўзбекистон. 2013. – 64 б.

33. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир Ўзбекистон. 2015. – 76 б.

IV. Асосий адабиётлар

34. Абулкосимов Х.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. - Т., Akademiya, 2008.

35. Авчиев М. Иқтисодиётни модернизациялашда инвестицияларнинг ўрни. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 7. – Б. 21-23.

36. Аҳадов А. Кучли қонунчилик – барқарор иқтисодиёт пойдевори. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 1. – Б. 12-20.

37. Ачилов М., Газибеков Д., Безбородов А., Котов В. Проблемы интеграции банковской системы Ўзбекистана в мировое банковское сообщество. Молия, БФА, Ташкент, 1999. 226 с.

38. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 102 б.

39. Бекмуродов А.Ш., Сафаров Б.Ж. Қишлоқ жойларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 23 б.

40. Бурханов А. Саноат корхоналарида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари. / Бозор, пул ва кредит. 2008. №6. – Б. 33-36.

41. Бурханов У. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 160 б.

42. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. –б. 139-147.

43. Газибеков Д.Г. Пути расширения инвестиционных возможностей и повышения результативности инвестиционных проектов. Материалы международной научно-практической конференции на тему: “Разработка, оценка эффективности и реализация инвестиционных и инновационных проектов, Ташкент, 2006г

44. Газибеков Д.Г., Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Финансовое обоспечение инвестиций в экономику Ўзбекистана. “Дом науки и техники”, Ташкент, 1995. 54 с.

45. Ғозибеков Д.Ғ. Бевосита хорижий инвестициялар. “Иқтисод ва ҳисобот” 1998, №4, 27-31 бетлар.

46. Голов Р.С. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г.

47. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ. 2009. 56-бет.

48. Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – М.: Книгодел, 2010 г. – 184 стр.

49. Ивасенко А.Г. Инвестиции: источники и методы финансирования. – М.:Изд.“Омега Л ”, 2009 г. – 261 стр.

50. Имомов Ҳ.Ҳ. Ўзбекистон минтақаларидаги инвестицион муҳитнинг жозибадорлик ҳолатини тавсифловчи омиллар / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 й.

51. Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ. Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2010 г. – 204 стр.

52. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Укув кулланма. - Т.: ТДИУ, 2010. - 86-б.

53. Маматов Б.С., Шарифходжаева К.У. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар – иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция

материаллари. - Тошкент, 2006. – Б. 336-338.

54. Насиров Э.И. Проблемы развития проектного финансирования инвестиций в Узбекистане. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: “Молия”, 2006.

55. Носиров Э.И. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялаш объектини танлашнинг замонавий усуллари. Иқтисодиёт ва таълим. 2003., 4-сон, 49-57 бетлар.

56. Просветов Г.И. Инвестиции: Задачи и решения. Учебно – практическое пособие. – М.: “Альфа - Пресс”, 2009 г. – 408 стр.

57. Ткаченко И.Ю. Инвестиции. Учебное пособие. – М.: “Академия ”, 2009 г. – 240 стр.

58. Узоқов А., Носиров Э., Султанов М, Саидов Р. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги (ўқув қўл-ланма). Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006. 380 б.

59. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.

60. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008, 57 б.

61. Ҳайдаров Ш. Реал сектор ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш. 2009. № 02. 48-50 бет.

62. На пути обеспечения финансовой стабильности. //Бизнес-вестник Востока. № 100, от 16 декабря 2010г.

63. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009 г.

64. Самые низкие темпы инфляции среди стран СНГ зафиксированы в Узбекистане. // Бизнес-вестник Востока, №9, от 10

февраля 2009г.

65. Финансовый кризис приведет к перестановке сил мирового сообщества. // Бизнес-вестник Востока, №18, от 12 марта 2009г.

V. Интернет сайтлари

- 66. www.gov.uz – (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали).
- 67. www.press-service.uz – (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати).
- 68. www.stat.uz – (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти).
- 69. www.mf.uz – (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).
- 70. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
- 71. <http://www.imf.org> – (Халқаро валюта фонди расмий сайти).
- 72. <http://www.bis.org> – (Халқаро ҳисоб-китоблар банки расмий сайти).